

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги

Бухоро давлат университети

Кимё-биология факультети

География кафедраси

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

Мавзу: “Чуруқсойнинг умумгеографик тавсифи
(Қулжуктов тизмаси)”

**5440500 – География таълим йўналиши
битирувчиси Каландарова Гулрухсор**

Илмий раҳбар: ўқитувчи Г.Ҳалимова

Ҳимояга тавсия этилди:

май 2012 йил

Бухоро – 2012

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш	3
I боб. Чўл зонасида қишлоқ ландшафтларининг шаклланиш тарихи ва уларнинг вазифалари.	7
1.1. Қишлоқ ландшафтларининг шаклланиш тарихи, ҳозирги жараёнлар ва уларнинг ўрганилганлик даражаси.....	7
1.2. Чўл зонасида қишлоқ ландшафтлари ва уларнинг ижтимоий бурчлари.....	20
1.3. Қишлоқ ландшафтларини оқилона ташкил қилиш муаммолари.....	24
II Боб. Чуруқсойнинг умумгеографик тавсифи.....	29
2.1. Чуруқсойнинг географик ўрни.....	29
2.2. Чуруқсойнинг геологик ривожланиш тарихи ва рельефи.....	30
2.3. Чуруқсой иқлимининг асосий хусусиятлари.....	36
2.4. Органик дунёси, табиий ресурслари ва улардан фойдаланишнинг ҳозирги аҳволи.....	39
2.5. Чуруқ қишлоғи: аҳолиси, турмуш тарзи.....	40
Хулоса ва тавсиялар.....	43
Адабиётлар	46
Иловалар	48

Кириш

Ўзбекистонда 64 фоиздан зиёд аҳоли қишлоқ жойларда яшайди. Бу ерда 15 мингдан ортиқ қишлоқлар мавжуд бўлиб, улар катта – кичиклиги, жойлашуви ва бажарадиган вазифалари бўйича турлича тақсимланади. Айнан шу ҳудудий фарқлар сабабини ўрганиш, қишлоқ аҳолисининг жойлашуви қонуниятларини очиқ бериш, қолаверса қишлоқ жойларни оқилона ташкил қилиш иқтисодий – ижтимоий география ва амалий ландшафтшуносликнинг бурчидир.

Қишлоқлар ва қишлоқ жойлари ҳали етарлича тадқиқ этилмаган. Бунинг бир қатор сабаблари бор, албатта. Масалан, 20 – йилларда бошланган мамлакатни саноатлаштириш сиёсати, 40 – йиллар охирида урушда вайрон бўлган жойларни ва барча халқ хўжалик тармоқларини қайта тиклаш шаҳарларга бўлган эътиборни ўз – ўзидан кучайтириб юборди.

Ўтмишда қишлоқ хўжалиги ва қишлоқлар ривожланиши билан боғлиқ бўлган айрим тадбирлар ҳам мавжуд бўлган. Халқ хўжалигини кооперативлаштириш, қўриқ ва ноқоратупроқ ерларни ўзлаштириш каби аграр сиёсатлар шулар жамласига киради. Аммо, амалда бундай тадбирларнинг кўпчилиги ўзининг тўғри ва тўла ечимини топмади. Натижада қишлоқларга бўлган муносабат ҳамон етарли эмас.

Шундай қилиб, қишлоқлар ўз тарихий ва ижтимоий мавқеидан борган сари узоқлашиб борди. Бунга давлатнинг нотўғри шаҳарпарастлик сиёсати ҳам сабабчи бўлди. Чунки қишлоқлар, уларнинг вазифасига, мавжудлигига ва келажакига фақат шаҳарлар нуқтаи назаридан қаралди. Шу боис, ҳатто расмий ҳужжатларда қишлоқларнинг йириклашуви ва уларнинг аста – секин шаҳар туридаги аҳоли масканларига ўтказилиши кўзда тутилган эди. Бу эса, ўз навбатида, қишлоқларни айнан шу мақсадда “истикболли” ва “истикболсиз” табақаларга ажратилишга олиб келди. Қишлоқлар ва қишлоқ хўжалигига бўлган бундай нотўғри муносабатларнинг оқибатлари бугунги кунга

келиб барчага аён бўлди ва ҳозирги кунда уларни бартараф этишга катта аҳамият берилмоқда.

Мен ушбу битирув малакавий ишим мавзусини Чуруқ қишлоғини ўрганишга бағишлашимнинг **сабаби биринчидан**, қишлоқ аҳоли манзилгоҳлари нафақат вилоятимизда балки, республикада ҳам кам ўрганилган;

Иккинчидан, республика аҳолисининг 64 фоизи, Бухоро вилояти аҳолисининг 70 фоизи қишлоқларда истиқомат қилади;

Учинчидан, Чуруқ қишлоғи вилоятдаги чекка қишлоқлардан бири бўлиб, унинг кашф этилмаган жуда кўп қирралари мавжуд.

Чуруқ қишлоғини умумгеографик ўрганишдан **мақсад** унинг кўпчиликка номаълум географик хусусиятларини тадқиқ қилиш ҳамда мавжуд муаммо ва камчиликларнинг оқилона бартараф қилиш учун кўлдан келганча тавсиялар бериш билан бирга келажакда ишни давом эттириб, Чуруқ қишлоғи ҳақида рисола ёзиш.

Ҳозирги кунда давлатимиз президенти томонидан ёшларга жуда катта эътибор берилмоқда. Буни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда 2010 йил “Баркамол авлод йили” деб аташни қилганлигида ҳам кўриш мумкин. Бу таклиф ўзбек халқи томонидан мамнуният билан қабул қилинди. 2010 йилнинг 27 январь куни эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан “Баркамол авлод йили” дастури тасдиқланди.

Мазкур давлат дастури бўйича 6 банддан иборат қарор қабул қилинди ва уни ижросини таъминлаш мутасадди ташкилотлар раҳбарларига топширилди.

“Баркамол авлод йили” давлат дастурининг мақсад ва вазифалари белгилаб олинди. Ушбу дастурда илм-фанни янада ривожлантириш, иқтидорли ва қобилиятли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, уларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун

шароитлар яратиш кўзда тутилган. Энг асосийси рақобатдош замонавий мутахассис кадрларни тайёрлашга урғу берилади.

Бундай устувор вазифалар битирув малакавий ишлар сифатини яхшилашга биз ёшларни ундайди. Айниқса битирув малакавий ишларнинг кундалик амалиёт билан боғлиқ бўлишга ундайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2009 йил “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб эълон қилиниши мамлакатимизда ижтимоий мақсадларга қаратилган миллий иқтисодиётнинг стратегик ривожланиши устувор йўналишга мос келади. Бу ўз навбатида мустақилликнинг аввалги йилларида амалга оширилган ижтимоий сийсатнинг узлуксиз давомидир.

Чиндан ҳам юртимиз тарихи, маданияти, иқтисодиёти, маънавий-маърифий ҳаёти кўп жиҳатдан қишлоқлар билан боғлиқ. Республикамиз аҳолисининг деярли деярли ярми (яқин ўтмишда – 2008 йилда – 64,2%) қишлоқ жойларга тўғри келиш ва қишлоқ хўжалигининг миллий иқтисодиёт салоҳиятининг шаклланишидаги муҳим ўрин қишлоқларга бўлган муносабатни тубдан ўзгартиришни талаб қилади.

Республика Президенти И.А.Каримов бу ҳақда қуйидагиларни таъкидлайди: “Алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган навбатдаги энг муҳим устувор вазифа қишлоқ ва турмуш даражасини юксалтиришга, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга қаратилган узоқ муддатли ва бири-бири билан чамбарчас боғлиқ кенг кўламли чора-тадбирларларни амалга ошириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш, мулкдорлик, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, фермер хўжаликлари ривожини ҳар томонлама қўллаб қувватлашдан иборатдир”.

Таъкидлаш жоизки, гарчи айнан 2009 йил – “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб аталган бўлсада, моҳиятан у фақат шу йил учун эмас, балки ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган чора-тадбирларни қамраб олади. Шу муносабат билан мамлакатларда махсус дастур ишлаб чиқилган ва

ундан кўзга тутилган барча ташкилий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий йўналишлар ўз аксини топган.

Мен бажарган битирув малакавий иш ҳам ўйлайманки, амалиёт учун оз бўлсада фойдаси тегади.

Имкониятдан фойдаланиб, менга ушбу ишни бажаришда яқиндан ёрдам берган ва раҳбарлик қилган устозларим доцент И.Қ.Назаров, Г.С.Ҳалимова ҳамда ўзларининг маслаҳатларини аямаган кафедранинг барча ўқитувчиларига чексиз миннатдорчилигимни билдираман.

I боб. Чўл зонасида қишлоқ ландшафтларининг шаклланиш тарихи ва уларнинг вазифалари.

1.1. Қишлоқ ландшафтларининг шаклланиш тарихи, ҳозирги жараёнлар ва уларнинг ўрганилганлик даражаси.

Қишлоқ жойлар ўз ҳудудий кўлами ва функциялари – бажарадиган вазифаларига кўра янада географийроқдир. Чунки, шаҳар доирасида табиий ҳудуднинг ўзи деярли йўқ, шаҳарлик (айниқса, у илгари қишлоқдан кўчиб келган бўлса) ҳамма вақт бўшлиққа, кенг жойларга интилади, биров бўлсада бундай кимсасиз жойларда «ўзи билан ўзи», танҳо бўлгиси келади. Шаҳар муҳитида ҳудуд зич, қишлоқ жойларда эса у бепоён. Бундай ижтимоий муҳитда кишиларнинг ўзига хос яшаш шароити ва тарзи вужудга келадики, бу муаммолар билан бевосита ижтимоий география, амалий ландшафтшунослик шуғулланади.

Бу жойларда, энг аввало, қишлоқ хўжалик экинлари экилади, чорва боқилади, дам олинади, бу ерларда ҳам саноат корхоналари, транспорт йўллари бор ва ниҳоят, қишлоқ жойлар шаҳарларнинг озиқ-овқат, тоза ҳаво, ишчи кучи билан таъминлайди. Кўриниб турибдики, қишлоқлар жуда мураккаб ва серқиррали вазифаларни бажаради. Албатта, бу вазифалар орасида энг асосийси қишлоқ хўжалиги функцияси бўлиб, бу унинг хусусий тармоғи бўлиб ҳисобланади.

Қишлоқ ёки қишлоқлар кишиларнинг ҳудудий – ижтимоий ва тарихий шакл топган бирлигидир. Уларнинг вужудга келиши жамият тараққиёти ва ҳудудий меҳнат тақсимоотидаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган. Айтиқса, деҳқончилик, жумладан суғориладиган деҳқончиликни чорвачилиқдан ажралиб чиқиши аҳолининг ўтроқлашувига, улар яшайдиган жойларнинг турғунлигига сабаб бўлган. Кейинчалик жамият ривожланиши, қишлоқ хўжалигида йирик суғориш иншоотларининг қурилиши ва бошқа ўзгаришлар аҳолини гуруҳ – гуруҳ, жамоа бўлиб яшашини тақозо этган. Бу эса доимий аҳоли турадиган жойларнинг тобора йириклашиб боришига олиб келган.

Демак, қишлоқларнинг шаҳарларга нисбатан тарихи анча узоқ ва уларнинг ривожланиши энг аввало ердан, табиий – иқлимий шароитлардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган. Айтиш мумкинки, қишлоқларнинг юқори даражада ривожланиши феодализм даврига тўғри келган. Ундан кейинги даврларда эса буржуа инқилоби натижасида кўпгина мамлакатларда капиталистик тузумнинг вужудга келиши жамият тараққиётида шаҳарлар мавқеини, устуворлигини юқори босқичга кўтарди. Аини пайтда қишлоқлар шаҳарларга нисбатан тобе, бўйсунувчи ва иккиламчи аҳамиятга эга бўлиб қолди. Қишлоқларнинг бундай тарихий ривожланиши кўпгина давлатлар учун хос бўлсада, айримларида айнан шундай бўлмаган. Масалан, ҳозирги Марказий Осиё тўла ва том маънода капиталистик босқични босиб ўтмаганлиги сабабли, бу мамлакатларда қишлоқ ва шаҳар муносабати, шаҳарлашув жараёни ва уларни ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ҳудудий ташкил этилишидаги ўрни ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Бу хусусиятларни ҳисобга олмасдан туриб, Ўзбекистон ёки бошқа қўшни мамлакатлар иқтисодий ривожланишини ва улардаги шаҳарлашув жараёнининг истиқболини тўғри баҳолаш ва башорат этиш қийин.

Қишлоқ хўжалигида жамият ривожланиши, ижтимоий меҳнат тақсимотининг дастлабки шаклларидадир. Шунинг учун бўлса керак, Ер юзидаги энг қадимий маданият ўчоқлари (Нил дарёсининг қуйи қисми, Месопатамия, Ҳинд-Ганг паст текислиги, Хуанхэ водийси, Мовароуннаҳр ва бошқалар) суғорма деҳқончилик билан боғлиқ бўлган. Хўжаликнинг бу тури эса ўз навбатида жамият тараққиёти, аниқ фанлар ривожига катта таъсир кўрсатган.

Авваллари деҳқончилик маҳсулоти бевосита қуруқ иқлимли минтақалардаги дарёлар ва уларнинг фаолияти асосида олиб борилган. Бунга Нил дарёси яққол мисол бўла олади. Геродот «Миср Нил дарёсининг тухфаси, совғаси» деб айтган. Чиндан ҳам Ер шаридаги энг ўзун бўлган бу дарё ўзининг серҳосил аллювиал ётқизиклари билан вужудга келтирган

дельтасида намоён қилган. Бу эса дехқончиликни ривожлантиришга қулай имкониятлар яратган. Худди шунга мувофиқ биз «Хоразм – Аму ёки Окс дарёсининг совғаси, натижасидир», деб таърифлашимиз мумкин. Бу қадимий ўлкада дастлабки суғориш иншоотларининг жорий этилиши, аниқ фанларнинг ривожланиш боиси ҳам шунда бўлса ажаб эмас.

Қишлоқ аҳоли манзилгоҳлари унда яшовчилар сони, жойлашган географик ўрни, бажарадиган функциясига кўра шаҳарлардан фарқ қилади. Қолаверса, шаҳарлар учун қуйилган талабларнинг бирортасига қишлоқлар жавоб бермайди. А.С.Солиев таъбирича, қишлоқ аҳоли географияси шаҳарлар географиясига (геоурбанистика) қараганда унча “омади келмаган” илмий йўналиш ҳисобланади.

Қишлоқ аҳоли манзилгоҳларининг ривожланиши қишлоқ хўжалиги тармоғи билан чамбарчас боғлиқ. Бироқ, аҳолиси қишлоқ хўжалигида банд бўлмасдан саноатда, транспортда ва бошқа тармоқларда ишлайдиган аралаш функцияли қишлоқ аҳоли манзилгоҳлари ҳам мавжуд.

Барча қишлоқ аҳоли манзилгоҳлари шаҳарлар сингари ўз бажарадиган функциясига қараб учта асосий гуруҳга бирлаштирилади.

- 1. Қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ;**
- 2. Қишлоқ хўжалиги билан боғланмаган;**
- 3. Аралаш қишлоқ аҳоли манзилгоҳлари.**

Қишлоқ хўжалиги билан бевосита боғлиқ бўлган аҳоли манзилгоҳлари қишлоқ хўжалиги аҳоли манзилгоҳлари деб яритилади. Маълумки, ер юзи қишлоқ аҳолисининг асосий қисми қишлоқ хўжалигида банд. Қишлоқ хўжалиги билан боғланмаган иккинчи гуруҳ аҳоли манзилгоҳлари миқдори жиҳатдан ўсиб бормоқда. Бу аҳоли манзилгоҳлари яна қуйидагича ажратилади: саноат корхоналари посёлкаси; транспорт; ўрмон саноати; балиқчилик билан боғлиқ манзилгоҳлар; дала – ҳовли ва ҳоказолар.

Юқоридаги қишлоқ аҳоли манзилгоҳларида хизмат кўрсатувчи тармоқлар ўша жой географиясига мос ва хос ҳолда ривожланади. Айтайлик, кичкина темир йўл станцияси ёки кон атрофида жуда катта қишлоқ аҳоли манзилгоҳи вужудга келмайди. Ҳатто баъзи посёлкалар ҳам вақтинча ҳисобланади (дала ҳовли, санатория, станциялар).

Қишлоқ аҳоли манзилгоҳларининг учинчи гуруҳига бир қисми аҳоли қишлоқ хўжалигида, қолгани саноат, транспорт, қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлган аралаш қишлоқ аҳоли манзилгоҳлари киради. Бундай аҳоли манзилгоҳларини одатда, аграр – индустриал ҳам деб аташади. Республикамизда шаҳар мақомига эга бўлмаган кўпгина туман маъмурий марказлари айнан шу гуруҳга киради.

Қишлоқ аҳоли манзилгоҳларини географик тадқиқ этишда уларда яшовчи аҳоли сонига, ўсиши, жойланиши, зичлиги, тақсимланиши ва шу билан бирга аҳолининг яшаш шароитига ҳам алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Демографик жараёнларни, аҳолининг механик ҳаракати, таркиби хусусиятларини, иш билан таъминланганлик даражасини ҳам таҳлил қилиш лозим.

Келажакда қишлоқ аҳоли манзилгоҳларини шаҳар аҳоли манзилгоҳларига нисбатан алоҳида олиб тадқиқ қилиш хусусан, бизнинг республикамиз учун долзарб масаладир. Чунки, мамлакатимизнинг 64% аҳолиси қишлоқларда яшайди, қишлоқ хўжалиги эса миллий иқтисодиётимизнинг асосини ташкил қилади.

Қишлоқ – аҳолисининг кўпчилиги деҳқончилик, чорвачилик ёки қишлоқ хўжалигининг бошқа тури билан машғул бўлган аҳоли пункти. Қишлоқлар умумий бир марказга эга бўлган, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан бир-бирига узвий боғланган кичик аҳоли пунктларига ҳам бўлиниши мумкин. Ўзбекистонда одатда, маҳаллаларга ажралади.

Профессор А.Солиев таърифи бўйича:

Қишлоқ жойлар – бу шаҳарлардан ташқари ёки уларни ўраб олган ҳудудлардир. Бироқ ҳар қандай шаҳарсиз ҳудудлар ҳам қишлоқ жойлари эмас. Бундай жойларда қишлоқ хўжалигининг қайсидир бир тармоғи ва доимий аҳоли манзилгоҳлари бўлмоғи лозим. Бинобарин, қишлоқ хўжалигида экстенсив ёки умуман фойдаланмайдиган, аҳоли жойлашмаган чўл ва тоғ ерлари қишлоқ ҳудудлари таркибига кирмайди.

Аслида қишлоқ «**қишлов**» маъносини билдирса керак. Бу қишлоқ жойларнинг ичидаги асосий таянч нуқталар, доимий яшаш масканларидир. Қадимда халкимиз далалардаги ёзги дехқончилик юмушларини тугатгандан сўнг қишлоқларга қишлаш учун қайтишган. Эҳтимол, бундай манзилгоҳларнинг аталиши шунга боғлиқ бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан қаралганда, тор маънодаги қишлоқлар чўл ёки тоғ минтақаларида эмас, балки воҳа ва тоғ этагидаги булоқлар буйида, чоррахаларда водийларда жойлашган.

Жойнинг табиий – географик хусусиятига кўра қишлоқлар тарихан катта-кичик ва турли шаклда бўлган. Ер юзаси нисбатан текис, серсув ва тупроғи серунум бўлган жойларда аҳоли анча зич жойлашиб, йирик қишлоқлар вужудга келган. Бундай қишлоқлар аҳолиси асосан дехқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланган. Ер юзаси нисбатан текис аммо суви кам бўлган жойлар (Чўл зонаси)да аҳоли сийрак бўлган қишлоқлар бир-биридан узокда, одатда қудуқлар атрофида жойлашган ҳамда аҳолиси асосан чорвачилик билан шуғулланган. Тоғли районларда эса сойлар буйларида, булоқлар атрофида қишлоқлар зич ва аҳоли гавжум бўлган.

Қадим қишлоқлар дастлаб кўчманчи аҳоли манзилгоҳлари асосида ташкил топган. Хусусан, Ўзбекистонда қишлоқлар одамларнинг қиш фаслида қишлаб кетадиган жойи («қишлов») сифатида вужудга келган. Кейинчалик одамлар дехқончилик билан шуғулланиб, ўтроқлик даврига ўтганда бир уруғ ёки қабиланинг бир қишлоқда жойлашиши билан доимий истиқоматга эга бўлган қишлоқлар пайдо бўла бошлаган. Бундай қишлоқлар баъзан шу уруғ номи билан юритилган. Бухоро вилояти ҳудудида ҳам уруғ ва қabila

номлари билан боғлиқ бўлган қишлоқларни кўплаб учратиш мумкин. Арабхона, Боғитуркон, Минглар, Оғар, Сарой, Ўзбакон, Қорахони, Қиётон, Қирқлар, қишлоқлари шулар жумласидандир.

Наршахийнинг «*Бухоро тарихи*» асарида (943-944 йиллар) Бухорода вужудга келган қадимги қишлоқлар ҳақида маълумот берилган. Асарда ёзилишича қишлоқлар асосан дарё ва йирик анҳорлар бўйларида жойлашган ва ҳар бир қишлоқда масжид ҳамда бозорлар бўлган. Асарда 12 анҳорнинг номи келтирилган:

- | | |
|----------------------|------------------------|
| 1. Шопурком; | 7. Байконруд; |
| 2. Ҳарконат ул – Улё | 8. Фаровизи Улё; |
| 3. Ҳарконруд; | 9. Фаровиз ис – Суфло; |
| 4. Овхатфар; | 10. Арвон; |
| 5. Самжан; | 11. Кайфур; |
| 6. Кармана; | 12. Руди Зар. |

Наршахий ўз асарида Бухоронинг қадимги қишлоқларини таърифлайди. Жумладан, шундай қишлоқлардан бири Варахшадир. Бу аҳоли манзилгоҳи ҳатто Бухоро шаҳридан ҳам қадимийроқ бўлиб, йирик қишлоқлар жумласиги киритилади. Бу қишлоқ ҳудудида 12 та ариқ бўлган. Қишлоқ атрофи баланд девор билан ўралган.

Қадимийлиги жихатидан Бухоро шаҳридан қолишмайдиган қишлоқлардан яна бири Вардона қишлоғи ҳисобланади. Бу қишлоқ ҳозирги Шофиркон тумани ҳудудида жойлашган бўлиб, унинг асоси бўлган дастлабки қўрғонни Шоҳпур Малик бунёд этган. Шоҳпур Малик бу ерда дастлаб катта бир анҳор қаздирган. Халқ уни «*Шопурком*» яъни «*Шоҳ ўғли қазиган ариқ*» (пур – ўғил, ком – ариқ, канал) деб аталади ва бу анҳор бўйлаб қўрғон ва қишлоқлар вужудга келади.

Ромтин (Ромитан) катта бир қалъага эга ва мустахкам бир қишлоқ бўлиб, бу қишлоқ ҳам Бухородан қадимийроқдир. Баъзи адабиётларда бунини Бухоро деб ҳам атаганлар. Бу қишлоқ қадим вақтларда подшоҳларнинг турар

жойлари бўлган, кейинроқ эса, Бухоро шаҳри бунёд этилгандан сўнг, подшоҳлар қиш фаслидагина бу қишлоқда турадиган бўлганлар. Бу қишлоқни Афросиёб бино қилган.

Ижтимоий – сиёсий ҳаётнинг ўзгариши туфайли ушбу қишлоқлар ўзига хос ривожланиш йулини босиб ўтган. Ўрта асрларда йирик савдо, ҳунармандчилик марказларидан бири бўлган Варахша шаҳри ҳозирги кунда тарихий ёдгорлик - тепа сифатида сақланиб келмоқда ҳолос.

Вардонзе тарихий ёдгорлиги эса ҳозирги даврда Шофиркон ўрмон хўжалигига қарашли «табиий ёдгорлик» сифатида 300 гектар майдонни ташкил қилиб турибди.

Ромитан қишлоғи яъни Ромитан қўрғон ҳам айти пайтда ёдгорлик сифатида сақланиб келмоқда.

Бухоронинг қадимги қишлоқлар тарихини комплекс ўрганиш, тарихий қадриятлардан баҳраманд бўлиш ва уларни асраб – авайлаш ҳар бир ўзбекистонлик, бухороликнинг муқаддас бурчидир.

1980 йиллардан бошлаб қишлоқ жойлар бир қатор фанларнинг муҳим тадқиқот объектига айланди. Уларни географик жиҳатдан ўрганишда А.И.Алексеев, С.А.Ковалев, В.А.Максимовларнинг хизматлари катта. Жумладан, А.И.Алексеев (1989), В.А.Максимовларнинг(1985, 1998) томонидан қишлоқ жойлар географияси китоблари чоп этилди. Қишлоқ жойларни тадқиқ этишда А.И.Алексеев, аввало бу жойларнинг аҳолиси, аҳоли яшаш жойлари, аҳолининг турмуш тарзи, ижтимоий соҳаларнинг ривожланиши масалаларига эътиборни қаратган бўлса, В.А.Максимовнинг ишларида қишлоқ жойларнинг ишлаб чиқариш масалалари кўпроқ ёритилган. Шунингдек, қишлоқ жойларни чуқур тадқиқ этишда социология фани алоҳида ўрин тутади. Айниқса, қишлоқ жойлар аҳолисининг ҳудудий-ижтимоий тузилиши, ижтимоий ривожланиши, турмуш тарзи ва бошқа масалалар Т.И.Заславская, Р.В.Ривкина ва бошқа тадқиқотчилар томонидан ўрганилган.

Умуман олганда, қишлоқ жойлар худди шаҳар жойлари каби муҳим ижтимоий вазифаларни бажаради. Улар ўз худудига, табиий шароитига, ижтимоий-иқтисодий тузилмаларга эга. Уларни мажмуали ўрганиш, тадқиқ этишда, географиянинг роли катта.

География фанлари тизимида қишлоқ жойлар – бу комплекс тадқиқот объектларидан биридир. Уларни нафақат географлар, балки иқтисодчилар, социологлар, экологлар ҳам ўрганади. Бошқа соҳа вакилларидан фарқли ўлароқ географлар, энг аввало қишлоқ жойларни, уларнинг компонентларини (табиат, аҳоли, хўжалик) алоҳида олинган ҳолда, ҳамда бир бутунликда, яъни мажмуали тарзда ривожланишининг худудий қонуниятларини ўрганишга асосий эътиборни қаратадилар.

Қишлоқ жойлар илмий – тадқиқотларнинг комплекс ва ўзига хос объекти бўлишига шубҳа йук. Чунки улар катта-катта майдонларни, муайян табиий шарт-шароит ва минерал хом ашё салоҳиятини, аҳоли, унинг жойлашув тизими ва ижтимоий тузилмаларини, ўзига хос ижтимоий ҳамда ишлаб чиқариш салоҳиятини ўзида мужассамлаштирган худудлар йиғиндисидан иборатдир.

Ҳозирги даврда қишлоқ жойлар бир бутун, комплекс тарзда ўрганилган тадқиқотларни етарли деб бўлмайди, аммо иқтисодий ва ижтимоий география ва турдош фанлар доирасида унинг компонентлари турли даражада тадқиқ этилган. Айниқса, ўтган асрнинг 80-йилларига келиб, қишлоқ жойларни ҳар томонлама ўрганишнинг зарурлиги кўпчилик мутахассислар (С.А.Ковалев, А.И.Алексеев) томонидан таъкидланган эди.

Қишлоқ жойларини кўпчилик фан ўрганади. Аммо, география учун у “хос” тадқиқот объектидир. Қишлоқ жойлар худуди ва унда мужассам бўлган барча воқеа ҳодисалар муайян бир шароитларда вужудга келган, шаклланган ва ўзининг ривожланиш қонуниятларига эга. Уларнинг худудий қирраларини очиб бериш, қонуниятларини аниқлаш ва хулосалар олиш энг аввало географларнинг вазифасидир.

Қишлоқ жойларни географик тадқиқ этишнинг методологик муаммоларидан бири – уни ўрганишдаги турли йўналишларни ўзаро нисбати ва боғлиқлигидир (Алексеев, 1990. 20 б.).

Иқтисодий йўналиш қишлоқ жойларни ўрганишда ҳозирга қадар анъанавий бўлиб келмоқда. Бунда моддий ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги масаласига катта эътибор қаратилади. Шунингдек, қишлоқ жойларнинг бошқа барча элементларини (хизмат кўрсатиш соҳалари, аҳоли ва унинг жойлашуви, табиий шароит ва ресурслар) моддий ишлаб чиқаришга таъсири ва уларни иқтисодий баҳолаш масалалари ҳам ўрганилади. Сўнги йилларда қишлоқ жойларни ижтимоий – географик жиҳатдан тадқиқ этиш ишлари кучаймоқда. Уларни асосий мазмуни эса қишлоқ жойларнинг барча қирраларини аҳоли ва унинг турмуш шароитлари ва фаолияти нуқтаи – назаридан баҳолашга қаратилган.

Бугунги кунга келиб, қишлоқ жойларни тадқиқ этишни айтиш мумкинки, янги экологик – географик йўналиш шаклланмоқда. Бундай тадқиқотларнинг марказида хўжалик ва аҳолининг табиий муҳит билан ўзаро алоқадорлиги ва унинг ўзгаришлари, ландшафтларнинг инсон таъсирига чидамлилиги ва бошқа масалалар ётади.

Қишлоқ жойларнинг барча элементларини юқоридаги уч йўналиш бўйича бир хилда ўрганилган деб бўлмайди. Қишлоқ хўжалигидан ташқари моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа элементлари ва шунингдек хизмат кўрсатиш соҳалари яхши ўрганилмаган. Умумий тарзда қишлоқ жойлар ва унинг элементларини иқтисодий, ижтимоий ва экологик йўналишларга асосланган ҳолда географик тадқиқ этишни қуйидагича тасвирлаш мумкин:

Қишлоқ жойлар ва айниқса қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитлари ва ҳаёт тарзи, қадриятлар, анъана ва урф – одатлари географик жиҳатдан яхши ўрганилмаган.

Қишлоқ жойларни ижтимоий - географик тадқиқ этиш, аввало ушбу жойларни аҳолининг ҳаёт шароитлари ва турмуш тарзи томонидан амалга

оширилади. Бундай тадқиқотларнинг аҳамияти айниқса, ҳозирги даврда ошиб бормоқда. Қишлоқ жойларда олиб бориладиган ижтимоий – географик тадқиқотлар, аввало, бу ерларда яшовчи аҳолининг таркиби ва тадрижий ўзгаришларини, табиий, ишлаб чиқариш ва бошқа ҳаёт шароитларини, турмуш тарзини ҳамда уларни аҳолининг онгида қандай акс этиши масалаларини қамраб олиши лозим.

Қишлоқ жойларни географик тадқиқ этишнинг муҳим илмий – амалий қирраларидан бири – уларни тур (тип)лар ва табақалар (класслар)га ажратишдир. Бундай тадқиқотлар айрим олимлар томонидан бажарилган холос. Уларнинг илмий асосларини мукаммаллаштириш, такомиллаштириш муҳим масалалардан биридир.

Турдош фан соҳалари вакиллари билан ҳамжиҳатликда қишлоқ жойларни мураккаб табиий – ижтимоий – иқтисодий тизим сифатида географик жиҳатдан ўрганишнинг методологик ва методик масалаларига қуйидагилар киради: қишлоқ жойларнинг таркиби ва чегараларини аниқлаш; қишлоқ шаҳар жойларининг ўзаро алоқадорлиги, айирбошлашуви, уларнинг функцияларини ҳозир ва келажакда ўзаро бир – бирини тўлдириши; қишлоқ жойларни географик ўрганишда иқтисодий, ижтимоий ва табиий жиҳатларини уйғунлаштириш; қишлоқ жойларнинг ижтимоий – иқтисодий ривожланиш жараёнларини таҳлил қилиш ва келажак ривожланишини аниқлаш.

Қишлоқларни географик ўрганишда уларда яшовчи аҳоли сонига, демографик масалаларга катта эътибор берилмоқда. Бунда марказий ўринда аҳоли сонининг ўсиши, жойланиши, зичлиги ва турли йирикликдаги қишлоқлар бўйича тақсимланиши туради. Шу билан бирга аҳолининг табиий ва миграцион ҳаракати, унинг ёш – жинс хусусиятлари, миллий таркиби ва меҳнат ресурсларига тегишли қисмини таҳлил этиш ҳам қишлоқ жойларини географик тадқиқ қилиш мақсад ва вазифаларига киради. Бу эса қишлоқларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига дахлдор муаммоларни тўғри аниқлаш ва ечишга ёрдам беради.

Аҳоли манзилгоҳлари географиясининг бош масалаларидан бири уларни функционал турларга ва табақаларга бўлиш ҳисобланади. Бу борада ҳам қишлоқлар шаҳарларга нисбатан кам тадқиқ этилган. Ваҳоланки, қишлоқларнинг катта – кичиклиги, бажарадиган ёки ихтисослашган вазифаларини ҳисобга олиш ишлаб чиқариш кучлари ҳамда ижтимоий инфраструктура тизимини ҳудудий тўғри ташкил этишнинг илмий асоси сифатида хизмат қилади.

Шу билан бирга қишлоқларнинг бажарадиган вазифалари нисбатан кўп эмас ва шу боис уларни бундай турларга ажратиш ҳам унча мушкул ҳисобланмайди. Улар, одатда, учта асосий гуруҳга ёки функционал турга ажратилади: қишлоқ хўжалигига ихтисослашган, асосан қишлоқ хўжалигига ихтисослашмаган ва аралаш (агросаноат) қишлоқлар.

Албатта, қишлоқларнинг бу учта йирик гуруҳлари ишнинг мақсади ва моҳиятига қараб янада майда, кичикроқ гуруҳларга ажратиб ўрганилиши мумкин. Аммо асосий қонуният - қишлоқларни катта – кичиклигининг заминиди улар бажарадиган вазифанинг ётиши ўз кучини сақлаб қолаверади. Демак, қишлоқларни табақалаштириш уларни энг аввало функционал турларга ажратиш билан боғлиқ бўлади.

Ўз навбатида, аҳоли пунктларини табақалаштириш анча мураккаб ишдир. Бу вазифа шаҳарлар географиясида нисбатан ҳал этилган бўлса, қишлоқлар борасида ҳали ўз ечимини тўла топмаган. Бу ерда гап фақат қишлоқлар аҳолисининг сон кўрсаткичлари тўғрисида бормаяпти, аксинча, уларнинг сифат белгиларини аниқлаш ҳам назарда тутилмоқда.

Одатда, қишлоқлар ўзларининг катта – кичиклигига қараб турлича табақаланади (аҳоли сонига кўра): 100 кишигача, 101 – 200; 201 – 500; 501 – 1000; 1001 – 3000; 3001 – 5000 ва 5000 дан юқори. Аммо бундай гуруҳлар қатъий ва барча районлар учун бирдай андозага эга эмас. Унинг устига умумий жараён, яъни қишлоқларнинг тобора йириклашиб бориши мазкур тизимни юқорига қараб “силжитади”. Масалан, ўттизинчи йилларда 50 киши атрофидаги аҳоли пункти ҳам қишлоқ сифатида ажратилган бўлса,

ҳозир қуйи даражани 200 киши белгилаши маъқул, чунки ундаги кичик қишлоқлар сони борган сари камайиб бормоқда.

Айрим адабиётларда қишлоқлар қуйидагича турланади: 500 кишигача; 501 – 1000; 1001 – 2000; 2001 – 5000 ва 5000 кишидан ортиқ. Умуман олганда, бундай табақалаштириш бизни ҳам қаноатлантиради. Шу билан бирга, маҳаллий шароитларни ҳисобга олиб, қишлоқларни қуйидаги тартибда гуруҳлаш мақсадга мувофиқ: 200 кишигача, 201 – 500; 501 – 1000; 1001 – 3000; 3000 кишидан юқори. Ўзбекистон шароитида қишлоқларни айнан шундай табақалаштириш қишлоқлар сони ва уларнинг минтақалар бўйича тақсимланиш қонуниятларини аниқлашда мос ва қулай келади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, қишлоқларни ижтимоий, демографик ва экологик томондан ўрганиш мумкин. Ҳозирча уларни иқтисодий жиҳатдан тадқиқ этиш бирмунча яхши йўлга қўйилган. Шу билан бирга қишлоқ меҳнат ресурсларининг шаклланиши ва улардан фойдаланиш масалалари ҳам ўрганилиб келинмоқда. Аммо қишлоқларни ижтимоий нуқтаи назардан ўрганиш, уларда яшовчи аҳолининг ҳаёт шароити, тарзи ва даражасини аниқлаш тўғрисида махсус илмий ишлар деярли йўқ.

Бу борада шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, иқтисодий ва ижтимоий географияда аҳолини кишиларнинг маълум бир ҳудуддаги (давлат, район, шаҳар, қишлоқ ва ҳ. к.) бирлиги сифатида қараш етарли эмас. Бу ерда энг аввало инсонни шахс сифатида шаклланиши, унинг яшаш шароити ва даражасини ўрганиш ҳам муҳимдир.

Чиндан ҳам фанимизнинг ижтимоийлашувида аҳоли билан боғлиқ бўлган номоддий соҳаларни ҳар томонлама ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга. Бу ерда иқтисодий ва ижтимоий географик ёндошувнинг ўзига хос хусусияти ана шу аҳолига хизмат кўрсатувчи тармоқларни ва улар тизимини маҳаллий шарт – шароит, яъни табиий, иқтисодий ҳамда демографик омилларни ҳисобга олган ҳолда таҳлил этишдадир.

Ижтимоий тармоқларнинг ривожланиши ва уларнинг ҳудудий томонларини илмий асосда таҳлил этишда аҳолининг миллий таркиби, кадриятлари, урф – одатлари, анъаналарини, ўсиб бораётган эҳтиёжларини эътиборга олиш зарур. Бундай илмий тадқиқотлар мамлакат иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини тўғри ташкил этишга кўмак беради.

Ижтимоий соҳаларни ўрганиш меҳнат ресурсларидан фойдаланиш масалалари билан ҳам уйғунлашиб кетади. Бу муаммо айниқса қишлоқ жойларда ўзгача хусусиятга эга. Қишлоқларда меҳнат ресурсларининг миқдор жиҳатдан кўплиги, улардан оқилона фойдалана билмаслик аҳолининг яшаш даражасига салбий таъсир кўрсатади. Ижтимоий инфраструктурани етарли даражада ташкил этилганлиги, масалан, мактабгача бўлган муассасалар, умумий овқатланиш тармоқларининг яхши йўлга қўйилганлиги мавжуд меҳнат ресурсларидан тўлароқ ва унумлироқ фойдаланишга имконият яратди.

Аҳолининг ривожланиши қишлоқ ва шаҳар жойларда анча фарқ қилади. Бу фарқ энг аввало қишлоқ ёки шаҳарларда мавжуд халқ хўжалигининг ҳудудий ва даврий (мавсумий) ташкил этилганлигига, уларнинг мужассамлашув хусусиятларига боғлиқдир. Бинобарин, илгари давлат қарорларида биринчи бор баён этилган “шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги тафовутларга барҳам бериш” масалаларига тўғри қараш керак. Шунини айтиб ўтиш жоизки, шаҳар ёки қишлоқ аҳолиси яшаш даражасини яқинлаштириб бориш мумкин, лекин уларнинг яшаш шароити ва турмуш тарзидаги фарқларни ҳеч вақт йўқотиб бўлмайди. Демак, масалага жиддийроқ қарайдиган бўлсак, унинг ижтимоий хусусияти, яъни шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги социал тафовутлар у ёки бу даражада сақланиб қолиши муқаррар.

Қишлоқларни алоҳида турларга, табақаларга ажратиш, қишлоқ жойларини районлаштириш уларнинг келажак ривожланишига дахлдор бўлган мавжуд муаммоларни тўғри аниқлаш ва асослаб беришга, истиқболни илмий асосда башорат этишга ёрдам беради. Бу муаммолар

ишлаб чиқариш билан аҳоли, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларнинг ривожланиши, экологик хусусиятларга эга бўлиши мумкин. Қишлоқлар ривожланишини башорат этиш эса аввало аҳоли сонининг келажақдаги ўсиши, зичлиги, турли йирикликдаги қишлоқлар бўйича тақсимланишини, уларнинг ҳудудий таркибидаги асосий ўзгаришларни белгилашдан иборат бўлади.

1.2 Чўл зонасида қишлоқ ландшафтлари ва уларнинг ижтимоий бурчлари.

Қишлоқ районларининг аҳамияти, айниқса, нисбатан суструрбанизациялашган ҳудудларда катта, жумладан, улар Ўзбекистон Республикасида асосий мавқега эга. Қишлоқ жойларда мамлакат аҳолисининг 64 фоизи яшайди, миллий иқтисодиётимизнинг анъанавий негизи бўлган қишлоқ хўжалиги ҳам бу жойларнинг бош йўналишидир. Худди ана шу объектив вазиятни эътиборга олиб, республикамиз раҳбарияти қишлоқ жойларга устувор аҳамият бермоқда. Дарҳақиқат, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни амалга оширмай туриб, қишлоқ халқи турмуш шароитини яхшиламасдан туб (стратегик) мақсадларга эришиш мушкул. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини жорий этиш, мулкчиликнинг турли қатламларини вужудга келтириш, бу жойларга саноатни олиб кириш, аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқлари ва социал инфраструктурани ривожлантириш, меҳнат ресурсларини тармоқлараро қайта тақсимлаш ва улардан самарали фойдаланиш каби масалалар давлат аҳамиятига молик бўлган муаммолардир. Бинобарин, қишлоқ жойларни географик ўрганишда уларнинг ана шу хусусиятларига эътибор бериш талаб этилади.

Қишлоқ жойларнинг бирламчи ижтимоий вазифаларидан бири қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришдан иборат. Бу эса қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ барча ишлаб чиқариш тармоқларини аввалроқ илмий ўрганилишига асос бўлади. Аммо, шунга қарамай, қишлоқ жойларнинг асосий ижтимоий моҳиятини фақатгина, қишлоқ хўжалиги ёки қишлоқ

аҳолиси билангина тушунтириш ҳам тўла маъно касб этмайди. Бунинг учун уларни табиий, ижтимоий – иқтисодий, демографик ва ҳатто экологик хусусиятларини ҳам тўла камраб олиш керак. Буларнинг барчасини ўзида мужассам этган том маънодаги илмий тадқиқотлар бугунги кун талабига жавоб бера олади.

Қишлоқ жойлари мавжуд барча белгилари ривожланиш хусусиятларига кўра минтақавий тафовутларга ҳам эга. Шунингдек, улар турлича вазифаларни бажарадилар.

Қишлоқ жойларнинг асосий вазифалари:

1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қисман уни қайта ишлашдан иборат. Ушбу вазифа бошқаларга кўра кўпроқ қишлоқ жойлар учун хослиги билан ажралиб туради. Маълумки, қишлоқ хўжалиги ерлари, ўрмон хўжалиги ва ёғоч тайёрлаш, овчилик, балиқчилик каби тармоқлар асосан қишлоқ жойларда мужассамлашган.

Қишлоқ саноатини ривожлантириш кўпгина мамлакатлар миллий иқтисодиётнинг шаклланишида (Хитой, Туркия, Болтиқбўйи республикалари, Венгрия, Голландия, Исроил ва ҳ. к.) катта рол ўйнайди. Бизнинг шароитимизда ҳам қишлоқ жойлар агросаноат мажмуасига кирувчи қайта ишлаш саноатини ривожлантириш имкониятига эга. Масалан, бу жойларда бевосита хом ашё базасига яқин пахта тозалаш, консерва, вино, ёғ экстракция заводларини қуриш мақсадга мувофиқдир. Агар пахта тозалаш заводи ва у билан боғлиқ бўлган ёғ олувчи корхоналарни ўзаро яқин жойда ўрнаштирилса, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуасининг оддий шакли вужудга келади ва у катта иқтисодий самара беради.

Агросаноат географиясини ўрганишда, энг аввало, унинг хом ашё захираларига аҳамият бермоқ зарур. Шу билан бирга, бу жойларда тоғ – кон ва қурилиш материаллари саноати ҳам кўриб чиқилади. Ушбу корхоналарнинг жойланиши ва ривожланиши, албатта, экологик масалалар билан уйғунлаштирилган ҳолда таҳлил қилиниши лозим. Зеро, қишлоқ жойларнинг экологик ҳолати қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган

химикатлар, ер ости сувларининг кўтарилиши ва ерларнинг шўрланиши билангина эмас, балки шаҳар чиқиндиларини кўмиш ёки ташлаш билан ҳам ёмонлашиб бормокда. Шу боис қишлоқлар экологиясини ўрганиш долзарб мавзулардандир.

2. Қишлоқ жойларнинг рекреация функцияси - кўроқ шаҳар аҳолисига хизмат қилади. Қишлоқ жойлар шаҳарликлар учун дам олиш масканлари ролини ўйнаса, қишлоқ аҳолисининг ўзи учун яшаш жойларидан иборат бўлиб ҳисобланади. Ҳозирда хўлаликнинг муҳим тармоғига айланиб бораётган рекреация хизматининг кўплаб муассасалари (дам олиш зоналари, уйлари, болалар лагерлари, турбазалар, санаториялар ва пансионатлар) қишлоқ жойларида вужудга келтирилади.

3. Қишлоқ жойлар коммуникация элементларининг “коридори” вазифасини ҳам бажаради. Зеро, автомобил, темир йўл, қувур йўллари, дарё транспорти, электр узатиш линиялари ҳам айнан қишлоқ жойларнинг муҳим вазифаларидан биридир.

4. Қишлоқ жойлар шаҳарларни меҳнат ресурслари билан таъминлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

5. Қишлоқ жойларда айрим “шаҳарлик” хўжалик тармоқлари ҳам жойлашган. Улар жумласига, қазиб олувчи (қурилиш материаллари қазиб олувчи карьерлар, конлар) ва ишловчи саноатнинг айрим кичик корхоналари киради. Бундай корхоналар ўз ҳажмларининг кичиклиги сабабли шаҳар ҳосил қилишга кичиклик қиладилар.

6. Ўрмон хўжалиги ва ёғоч тайёрлаш ҳам қишлоқ жойларига хос функциялардан биридир.

7. Қишлоқ жойларнинг табиатни муҳофаза қилувчи функциясида

С.А. Ковалёв икки турини ажратади:

- 1) табиатни муҳофаза қилувчи тадбирлар (кўрикхоналар, заказниклар, миллий парклар);
- 2) шаҳар чиқитлари “қабристони” сифатида.

8. Қишлоқ жойлар **овчилик ва балиқчилик хўжаликларини ривожлантириш**да ҳам катта аҳамиятга эга.

9. Шунингдек, Т.И. Заславская уларнинг **“тарихий – маданий”** функциясини ҳам ажратади (1978, с. 30). Бунда у қишлоқ аҳолисининг табиий тақрор барпо бўлиши ва унинг маданий – маънавий эҳтиёжларини қондирилишини таъкидлаган.

Қишлоқ жойларнинг жамиятда тутган ўрни, роли ва аҳамияти уларнинг бажарадиган вазифалардан ҳам аён бўлади. Юқорида уларнинг ташқи вазифалари айтиб ўтилди, холос. Шунга қарамай, улар турли – туман ва бир - биридан фарқланади. Уларни ўзаро боғловчи, уйғун ҳолда ривожланишини таъминловчи ҳудудий бирикма эса - қишлоқ жойлардир.

Мамлакатимизда олиб борилган талайгина илмий тадқиқотлар бевосита қишлоқ хўжалигига тегишли бўлиб, қишлоқ жойларига умумий таъриф берилган холос. Ёки қишлоқ хўжалиги ютуқлари “соясида” қолиб кетган. Қишлоқ жойларини ўрганиш унча “Омади келмаган” (профессор А.С.Солиев ибораси) соҳалиги бугунги кунда барча илм аҳлига аён бўлмоқда.

Бугунги кунда қишлоқ жойларини ўрганишда регионал тафовутлар, хусусиятлар ва қонуниятларга катта эътибор қаратилмоғи лозим. Бухоро вилояти қишлоқ жойларини вужудга келишида қатор омилларнинг таъсири бўлган. Жумладан, - иқлимнинг кескин континенталлиги ;

- ерларнинг ҳолати;
- табиий оқар сув манбаларининг танқислиги;
- ўтмиш тарихида турли босқинларнинг бўлганлиги,

қишлоқларнинг келиб чиқиши ва ривожланишига ўз таъсирини ўтказган.

Бугунги кунда вилоят қишлоқ жойларини ўрганишда табиий, иқтисодий омилларнинг комплекс таъсирини уйғунлаштириб олиб бориш зарурдир.

Бухоро вилояти мамлакатимиздаги қадимий қишлоқ жойларига эга ҳудудлардан биридир. 2005 йилга келиб, вилоят аҳолисининг **70 фоизи (1075,8 минг киши)** қишлоқ жойларида истиқомат қилмоқда.

Ўтмишда дарё дельталари, қудуқлар атрофида аҳоли манзилгоҳлари вужудга келган бўлса, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, йирик суғориш иншоотлари (Аму – Бухоро ва Аму – Қорақўл машина каналлари)нинг қурилиши, янги ерлар (Варахша, Ўртачўл, Қизбиби, Жилвон, Замонбобо массивлари)ни ўзлаштирилиши яъни қишлоқларни барпо бўлишига, уларни географик тарқалишига пойдевор бўлди.

Бухоро вилояти қишлоқ жойларининг бажарадиган функциясида деҳқончилик устун туради.

1.3 Қишлоқ ландшафтларини оқилона ташкил қилиш муаммолари.

Мамлакатимиз сиёсий мустақилликка эришиш ҳамда иқтисодийнинг бозор муносабатларига ўтиши алоҳида ҳудудларни комплекс ривожлантиришни долзарб қилиб қўйди. Чунки, янги иқтисодий шароитда юзага келаётган таркибий ўзгаришлар жамият тараққиётига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Айниқса, ижтимоий, яъни соғлиқни сақлаш, умумий таълим, маданият соҳаларида ҳамда энг муҳими мамлакат аҳолисининг катта қисми истиқомат қилаётган қишлоқ ландшафтларини оқилона ташкил қилиш борасида туб ислохотларни жорий этиш муҳим вазифалардан бирига айланди. Шунингдек, қишлоқ жойларда аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаб берувчи инфраструктура тизимини жадал ривожлантириш, унинг моддий базасини мустаҳкамлаш давр талаби бўлиб қолди.

Мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий салоҳияти пойдевори айнан қишлоқ хўжалиги, унинг ҳаракатлантирувчи кучи – қишлоқ аҳолисининг кундалик юмуши, турмуш даражаси, малакаси, маданияти ва маънавияти билан боғлиқдир.

Шундай экан ҳозирги кунда қишлоқ жойларини ташкил қилишнинг иқтисодий, ижтимоий, экологик, эстетик ва маънавий жиҳатлари ҳозирги

замон талаблари даражасидами? Айниқса қишлоқ жойлари архитектураси, маиший, тиббий хизмат, бозор муносабатларига хос бўлган тузилмалар мавжудми? Ободончилик, дам олиш имкониятлари, миллий қадриятлар билан боғлиқ тамойиллар амалда намоёнми?

Бухоро вилояти мисолида бу масалага ёндашадиган бўлсак доимий аҳолининг аксарият қисми қишлоқларда яшайди. Ҳозирги кунда вилоят қишлоқларини яхшилаш, аҳоли турмуш даражасини кўтариш борасида кўпгина чора – тадбирлар амалга оширилиб келиняпти.

Шунингдек, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари кенг йўлга қўйилган. Бундан ташқари маиший хизмат соҳаларига бўлган эътибор ҳам ортиб бормоқда. Аммо, қайд қилиш жоизки, шу кунгача амалга оширилиб келаётган чора – тадбирлар билан бир қаторда, қатор камчилик ва муаммолар ҳам мавжуд:

- Қишлоқ жойлари архитектураси кўп жойларда талаб даражасида эмас. Шахсий уйларнинг қурилиш тартиби, ташқи қиёфаси, ранги, орасталиги айни жой табиати ижтимоий – иқтисодий муҳитига мос бўлмоғи лозим;
- Уй – учун шахсий томорқа ерлари ажратиш, уларда қурилаётган қурилишларни ва ташкил қилинаётган инфратузилма тармоқларини бошқариш йўлга қўйилмаган;
- Томорқа ерларини ўз вақтида сув билан таъминлаш, экинларни танлаш, ортиқча маҳсулотларни сотиш борасида муаммолар мавжуд;
- Қишлоқ ерларини ободонлаштириш, кўкаламлаштириш борасида қатор муаммолар мавжуд. Айниқса жойдори мевали дарахтлар тури ва майдонининг камайиб кетганлиги салбий ҳолатдир;
- Қишлоқ жойларида ичимлик суви, тиббий хизмат йўл қурилиши, дам олиш шаҳобчаларини ташкил қилиш борасида

муаммолар мавжуд (вилоятда 500 дан ортиқ қишлоқлар ханузгача марказлашган ичимлик суви тизимига эга эмас);

➤ Шахсий томорқа ерларидан самарали фойдаланишда қатор камчиликлар мавжуд. Томорқа ерларига экиладиган кундалик зарур экин турлари, мевали дарахт турларини айна жой табиатига хос ҳолда танлаш, уларнинг кўламини белгилаш, истеъмолдан ортиқча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини захирага сақлаш ёки оқилона бартараф қилиш борасида муаммолар бор;

➤ Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича кичик саноат корхоналарини ташкил қилиш давр талабидир. Шундай қилинганда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини беҳуда нобуд бўлишидан сақлаш, маҳаллий аҳолини иш билан таъминлаш бирмунча яхшиланган бўлур эди;

➤ Уй – рўзғор ва бошқа чиқиндиларни оқилона бартараф қилиш тўла йўлга қўйилмаган;

Инсон табиатнинг бир бўлаги, унинг ажралмас қисмидир. У пайдо бўлгандан буён табиатдан ўз эҳтиёжларини қондириб келади. Бу эса ўз навбатида табиатга таъсир орқали амалга оширилади. Инсоннинг табиатга таъсир кучи эса кун сайин ортиб бормоқда. Бу биринчи навбатда аҳоли сонининг кўпайиши билан боғлиқ бўлса, иккинчидан инсоннинг табиатга таъсир кучи, қудратли техника туфайли тобора кучайиб бормоқда. Жумладан, қишлоқ ландшафтлари ҳам асрлар давомида инсон томонидан яратилган антропоген – маданий ландшафтларнинг бир тури ҳисобланади.

Антропоген ландшафтлар ўзгартирилганлик даражасига кўра хилма – хилдир. Уларни туркумлаш бўйича ҳам қатор фикр, муносабатлар мавжуд. Кўпчилик географ, айниқса ландшафтшунослар антропоген ландшафтлар тобора антропогенлашиб, охир – оқибат “маданий” ландшафтларга айланади, деб эътироф қиладилар. Ҳақиқатда ҳам шундай. Инсон томонидан яратилган маданий ландшафтлар йиллар сайин

такомиллашиб боради, латофатли, салобатли бўлиб, замон талабига мос чирой, кўринишга эга бўлади, лекин улар қанчалик маданийлашмасин айни жой табиати бағрида вужудга келади.

Табиат ва жамият муносабатларида шу нарса равшанки, кишиларнинг турмуш даржаси, маданияти ўсиб борган сари маданий ландшафтларнинг маданийлик даражаси ҳам ортиб боради. “Маданий ландшафтларни маданиятли одамлар яратади”, десак ўринли бўлади. Табиатни ўзгартиришдан пировард мақсад маданий ландшафтлар барпо қилиш экан, унинг илмий асосларини яратиш географ, ландшафтшуносларнинг бевосита вазифасидир.

Маданий ландшафтларни яратиш тамойиллари бўйича қатор фикрлар мавжуд. Масалан, таниқли ландшафтшунос А.Г.Исаченко (1979), маданий ландшафтлар асосан икки тамойилга асосланиши лозим, биринчидан улар иқтисодий жиҳатдан самарали бўлиши, иккинчидан, инсон саломатлиги учун соғлом муҳитга эга бўлиши керак, деб қайд қилади. *Географ олим И.Қ.Назаров таъкидлашлари*ча маданий ландшафтларни, жумладан қишлоқ ландшафтларини яратишда қуйидаги тамойиллар асосида иш тутиш даркор.

1. Яратилган маданий ландшафтлар қайси соҳага (қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт, савдо, маданият) тегишли бўлмасин **иқтисодий жиҳатдан самарали бўлмоғи** лозим.

2. Маданий ландшафтлар инсон саломатлиги. Органик дунё **учун соғлом муҳитга эга бўлиши** зарур.

3. Эстетик жиҳатдан **жуда юқори дид, мазмунга ва сифатга эга бўлмоғи** даркор. “ландшафтлар дизайни”, “ландшафтлар гўзаллиги”ни тадқиқ қилиш, уни амалий масалаларини ўрганиш географларнинг вазифасидир.

4. Яратилган маданий ландшафтлар **айни жой табиатига мос ва хос** бўлмоғи лозим, яъни жамият ва табиат уйғунлиги тамойили

В.Б.Сочава (1978) тили билан айтганда инсоннинг табиат билан ҳамкорлиги таъминланмоғи керак.

5. Маданий ландшафтлар **айни жойда яшайдиган халқ, миллатнинг маданияти – маънавиятига, қадриятларига хос** бўлмоғи, яъни миллатнинг менталитетини акс эттириб турмоғи керак. Масалан, Бухорода яратилган маданий ландшафтлардан Ибн Сино, Абдухолик Гиждувоний, Баҳовуддин Нақшбанд ҳамда меъморий обидалар, урф – одатлар билан боғлиқ қадриятлар (балх тути, жийда, мажнунтол экиш, хаворанг гумбазли обидалар куриш) ўз аксини топмоғи лозим.

Дарҳақиқат қишлоқ ландшафтларини оқилона ташкил қилишда ўша жой табиатига, маънавияти ва менталитетига ҳамда иқтисодий самарадорлигига эътибор қаратмоқ лозим. Зеро, чўл ҳудуди учун хос бўлган қишлоқларни оқилона ташкил қилишда юқорида келтирилган таомйиллардан фойдаланиш фойдадан холи бўлмайди.

Ер юзида бир қарич ер (жой) бир – бирига ўхшамас экан, унинг бағрида яратилган маданий ландшафтлар ҳам бир – биридан фарқ қилмоғи лозим.

Юқоридаги таомйилларни амалга оширилиши география фанининг “жамиятни ҳудудларда оқилона ташкил қилиш”дек бош мақсадига мос тушади.

II Боб. Чуруксойнинг умумгеографик тавсифи.

2.1. Чуруксойнинг географик ўрни.

Вилоят ҳудуди Ўзбекистон республикасининг жануби-ғарбида Зарафшон дарёсининг қуйи қисмида, Жануби-ғарбий Қизилқум деб аталадиган чўл масканида жойлашган. У шимоли-ғарб томонидан қисқа масофада Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси замини билан туташ. Шимол ва шарқ томондан эса катта масофада Навоий вилояти “ҳалқаси” билан ўралган бўлиб, жануби-шарқий томондан Қашқадарёнинг Қарноб, қарши чўлларига ёндошдир. Вилоятнинг жануби-ғарбий чегаралари жуда катта масофада Туркменистон давлати билан боғланади. Бу ерда чегара Амударёга ўнг томонидан ёндошиб боради ва Дояхотин, Қизилравот оралиғида (80 км) эса дарё ўзани бўйлаб ўтади.

Вилоят ҳудудини тўлиғича чўл зонасида жойлашганлиги, маҳаллий суғорма сув манбаларига эга эмаслиги, бунинг устига дарёнинг қуйи қисмида бўлиши ўлка табиатининг салбий сифатларидан саналади. Зарафшон дарёси орқали келадиган оқава ва зовур сувлари унда эриган туз-химиявий ашёлар вилоят ҳудудига оқиб келадиган ва уларнинг аксарият қисми шу заминда тўпланиб қолмоқда. Бу ҳол юртдаги экологик вазиятни борган сари кескинлашувига сабаб бўлмоқда. Ота-боболаримиз “Дарёнинг бошидаги асал ичади, охиридаги эса заҳар” деган доно ҳикмати ҳозирги кунда Бухоро заминига қарата айтилгандек туюлади.

Шунинг билан бир қаторда вилоятнинг географик ўрни унинг ижтимоий-иқтисодий, маданий раўнақи учун қулай имкониятларга эга. Бу масканни қадимда “Ипак йўли” устида жойлашганлиги, кейинчалик шарқдаги “Қуббат-ул ислом” – ислом таълимотининг гумбазига илм, маърифат ва маданиятнинг “Минораи Калониға” айланганлиги унинг географик ўрни билан ҳам бевосита боғлиқдир. Ундан ташқари вилоят ҳудуди кўламининг катталиги “ҳаёт манбаи” Амударёга ва туркман элига ёндошлиги ҳамда давлатлараро йўл ва алоқалар тугунида қарор топганлиги

унинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожига кўмак берадиган географик омиллардан саналади.

Бухоро вилоятининг шимолий қисмида Шофиркон тумани жойлашган бўлиб у вилоят марказидан тахминан 70 км шимоли-ғарбда жойлашган Қулжуктов тизмаси этагида козок (аули) қишлоғи жойлашган. Бу қишлоқнинг номи Чуруқ бўлиб, Қулжуктов тизмасининг жанубий этакларида жойлашган.

Табиий жойлашувига кўра бу қишлоқ нисбатан қулай жойда жойлашган. Сабаби қишлоқ тоғ этагида жойлашганлиги учун биринчидан, қишлоқ ичидан сойлар оқиб ўтади; иккинчидан, тоғга ёққан ёғин ер қатламлари орасига шимилиб, қишлоқ бағридан булоқ бўлиб чиқади; учинчидан, қишлоқ аҳолиси зич шаҳар, саноат корхоналаридан йироқда сокин ва ҳавоси мусаффо дир. Бу ҳам қишлоқнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади.

2.2. Чуруқсойнинг геологик ривожланиш тарихи ва рельефи.

Вилоят ҳудуди аксарият текисликлардан иборат бўлсада ўзига хос мураккаб геологик тарихга эга. Бу замин эпигерцин (герциндан кейин) платформа устида жойлашган. Даставвал палеозой эрасигача бу жой ҳам Ўрпа денгиз ўрнидаги серҳаракат геосинклинал денгиз ҳавзасидан иборат бўлган. Қалин денгиз ётқизикларининг тўплана бориши билан бирга тектоник ҳаракатлар жонланиб туради. Кембрий даврида шимол-шимоли-ғарб томонга йўналган қатор ўта чуқур тектоник ёриқлар ҳосил бўлади. Палеозой эрасининг иккинчи ярмида рўй берган қудратли герцин бурмаланиши нисбатан осойишта бўлган тектоник вазиятни тубдан ўзгартириб юборди. Вилоят ҳудудига ёндош бўлган Тяньшан системасига қириқчи баланд тоғлар қад кўтаради. Тектоник ёриқлар орқали магманинг кириб келиши ҳамда кўтарилиши – чўкишлар рўй беради. Денгиз ва қуруқлик чўкиндиқларининг тўпланиши давом этади. Атрофдаги тоғларда (жумладан Томдитоғда) вулканизм авж олади. Палеозойнинг охири ва мезазойнинг бошларига келиб тоғлар батамом емирилади. Ўзбекистон

худудининг барча ерлари яхлит текисликка айланади ва платформа даврига ўтади. Мезазой – Палеоген даврида бу платформа гоҳ денгиз, гоҳ куруқлик шароитида ривожланган ва турли таркибдаги жинслар билан қоплана боради. Масалан: ўрта юра даврида вилоят худуди тўла куруқликдан иборат бўлади (Атлас Узбекской ССР. Часть первая, 1982). Юра даврининг охирига келиб вазият денгиз шароити билан алмашади. Нефть, газ конларининг замини вужудга келади. Бўр даврининг бошларида эса барча маскан яна куруқликка айланади. Рельеф нишоблиги ҳозирги Амударё ўзанига йўналган бўлиб, шу томонга бир-бирига ёндош Дарёликсой, Ромитандарё, Сувқайтидарё каби дарёлар оққан. Умуман олганда мезазой эрасида иқлим илиқ ва нам бўлган. Сув бўйида, куруқликларда кенг баргли ва доимий яшил турлар (папоротниклар, қирқбўғинлар, секвойя, ёнғоқ кабилар) қалин ўрмонзорларни ҳосил қилган, йирик гавдали ҳайвонот вакиллари яшаган. Шу давр билан кўмирли қатламларни, нефть, газ, ангидрид, тош тузи каби конларнинг шаклланиши боғлиқдир. Палеоген даврининг бошларида (палеоцен) саёз денгиз шароитида оҳактош, доломит, гипс каби маъданларнинг пайдо бўлиши учун қулай имконият туғилади.

Олигоцен-миоцен даврлари чегарасида яхлит платформали текисликлардан иборат бўлган Ўзбекистон заминининг осойишталиги кудратли неотектоник ҳаракатлар таъсирида кескин ўзгаришга юз тутди. Пировард натижада ушбу ҳаракатлар туфайли республика худудини (жумладан Ўрта Осиёни ҳам) иккита морфоструктура: тоғли ва платформали текисликлар қисмига ажралиш ва ҳозирги табиий-географик вазиятнинг замини яратилади. Ҳозирги тоғли районларда кўтарилиш ва чўкишлар йиғиндиси 11-14 км.га етган. Платформа босқичини бошидан кечирган бу тоғлар (Кулжуктов ҳам) ушбу кўтарилишлар туфайли палахсаланиб кетган. Турон плитаси устида жойлашган Бухоро худудида тектоник ҳаркатлар жуда суст намоён бўлади. Бу ерда икки йирик чўкма (Ромитан ва Қорақўл) ва 30 дан ортиқ ер ости кўтарилмалари (локал структурали) ҳосил бўлади. Неотектоник ҳаркатлар даврида (олигоцен-

тўртламчи) Ромитан ботиғи 850-1000, Қоракўл ботиғи 250 метргача чўккан бўлса, Қулжуктов тизмиси 1300, ер ости кўтарилмалари эса 500-800 метргача бўй чўзади (Юрьев, Умаров, 1971). Ер ости кўтарилмалари ҳозирги рельефда кўп жойларда плато, қирлар сифатида акс этгандир. Қуйимозор, Моможурғоти, Саритош, Жарқоқ, Қоракўл, Денгизкўл каби платолар шулар жумласидандир. Неотектоник ҳаркатлар давомида вилоят ҳудудида аксарият тоғли районлардан оқизиб қотирилган (асосан Зарафшон, Қашқадарё орқали) аллювиал жинслар тўпланган. Натижада денгиз ва қуруқлик ётқизиклари уйғунлашиб турон плитаси устида қалин (1-2,5 км) қатлам ҳосил қилган.

Вилоят замини учун тўртламчи давр тарихи алоҳида эътибога моликдир. Чунки унинг 90 фоизига яқин қисми шу даврга мансуб бўлган аллювиал, пролювиал, кўл-дельта ва қумли қатламлар билан қоплангандир. Тўртламчи давр жинсларининг қалинлиги Зарафшон ётқизиклари юқори қисмида (Ромитан чўкмаси) 60-80 метрга етса, ғарб ва жануби-ғарб томонга камайиб боради. Сабатли қудуғи атрофида 13-15, бухоро шаҳридан жануби-ғарбда жойлашган ерларда 8-10 метрдан ошмайди. Тўртламчи давр ётқизиклари ва улар ҳосил қилган терассалар Г.Ф.Тетюхин томонидан тавсия қилинган маҳаллий схемага кўра 4 та комплексга ажратилади.

Қуйи тўртламчи даврда неогеннинг энг сўнгги (апшерон) қисмида ҳолат давом этади. Бу даврда Бухоро ҳудудининг ўрни аксарият аллювиал текисликлардан иборат бўлиб қалин дарё тўрлари ва кўлли майдонлар билан қопланган. Серсув Қашқадарё, Бухоро воҳаси ҳудудида Зарафшонга туташ бўлган (Тетюхин, 1978). Лекин қуйи тўртламчи давр жинслари кўп жойларда ювилиб кетган бўлиб, Автобачи, Қуйимозор, Қоракўл платолари ҳудудида, Қорақир, Учқир тепаликлари, Газли атрофларида кенг тарқалган. Ётқизиклар аксарият чағилтош, қумтош, конгломератлардан иборат. Ўрта тўртламчи даврида Зарафшоннинг IV-V террасалари вужудга келади. Бу даврда Эчкиликсой, Дарёсой – Амударё оралиғида жойлашган улкан майдон – Зарафшоннинг қадимги дельталари таркиб топади. Бу ерда

конгломерат чағилтош, майда донадор кумлар, кўл-дельта гиллари асосий жинслардир. Юқори тўртламчи даврда Зарафшоннинг асосан III терассаси шаклланади. Бунга Қуйимозор платоси этаклари, Бухоро воҳасига шимоли-ғарб томондан ёндош ерлар ҳамда Қорақўл воҳасини ўраб турган кўлли-аллювиал-дельта текисликлари киради (Джуракулов, Мамедов, 1986). Ётқизиклар орасида майда чағилтош, кум, лой (соз) ва гил етакчилик қилади.

Тўртламчи даврнинг энг охири ҳисобланган голоцен даври ётқизиклари. Катта майдонларда тарқалган Зарафшоннинг 1-2 террасалари, қадимги дарёларнинг қуруқ ўзан-қайирлари шу даврга мансубдир. Эчкиликсой, Дарёсой, Мохандарё, Қашқадарё каби ирмоқ ва тармоқларнинг қуруқ ўзанларига ёндош ерлар, Тўдакўл-Хожжаб пасткамликлари, Бухоро, Қорақўл воҳалари ўрни голоцен даври жинслари билан қоплангандир. Кўп ботқоқ ётқизиклари, кулранг майин кумлар, шўрхоқлар ва тақирли майдонлар шу даврда ҳосил бўлган.

Амударё, Зарафшон ва Қашқадарёларнинг бир-биридан ажралиши голоценнинг охирида рўй беради. Археолог А.Муҳаммаджоновнинг (1991) ҳулосасига кўра милоддан олдинги 2 минг йиллиги даврида Зарафшоннинг Мохандарё орқали Амударёга қуйилиши барҳам топган. Қашқадарёнинг ҳудудида тарқалган кумли майдонларни аксарият қисми голоцен даври билан боғлиқ. Улар қадимги аллювиал дельта ётқизикларнинг чўл иқлими шароитида, шамоллар туфайли қайта тўзиши, эланиши натижасида ҳосил бўлгандир. Узлуксиз суғориш натижасида ҳосил бўлган Бухоро ва Қорақўл воҳаларидаги суғорма қатлам энг ёш жинслардир. Уларнинг қалинлиги суғорилиш даврига кўра 1-3 метр, айрим жойларда эса ундан ортиқдир. Бухоро шаҳри ҳудудида маданий қатламнинг 18,5 метрга етиши ва шаҳар ёшининг 2500 йилга тенг эканлиги археологлар томонидан аниқланди. Тўртламчи давр ётқизиклари қурилиш учун қимабатбаҳо хомашё ҳисобланади. Айниқса кумчағил конлари (Қуйимозор, Қутчи, Жилвон) кенг кўламда фойдаланиб келинмоқда.

Вилоят ҳудудида неотектоник ҳаракатлар ҳозирги даврда сўнгани йўқ, балки, унинг қисман кучайганлиги намоён бўлмоқда. Сейсмик ҳаракатлар фаоллиги ортди. Илгари ёш балли зонага киритилган вилоят ҳудудида 7,5 балл қудратга эга бўлган Газли zilзиласи рўй беради (8.04. ва 17.05.1976). Ҳозирги кунда ҳудуди 7 балли сейсмик зонага, фақат Газли шаҳарчаси атрофидаги ерлар 8 балли минтақага киради. Бундан ташқари асрий тебранишлар ҳам бу юртда намоён бўлмоқда. Тадқиқотлар туфайли Қулжуктов тизмаси Газли атрофидаги жойлар – Денгизкўл, Саритош, Жарқоқ платоларининг оҳиста (юз йилда бир неча мм) кўтарилаётганлиги ва Бухоро, Қоракўл воҳалари ва унга ёндош ерларни Тузкон пастқамлигини (Қулжуктовнинг жануби-ғарбида) аста-секин чўкиб бораётганлиги аниқланган. Кундалик фаолиятда юқорида қайд қилинган неотектоник ҳаракатлардан огоҳ ҳолда иш тутмоқ мақсадга мувофиқдир. Қулжуктов тизмаси Қизилқумдаги паст тоғларнинг энг жанубида жойлашган бўлиб, Туркистон тизмасининг узвий давоми сифатида рельефда алоҳида ифодаланган. У кенгликлар бўйлаб, юз км масофада чўзилган. Унинг шимолий ёнбағри тик ва қисқа, жануби ёнбағри эса ётиқ ва кенг. Тизманинг ғарби ва шарқи нисбатан камбар бўлиб, марказий қисмида кенглиги 20-25 км га етади.

Қулжуктов тизмаси Турон платформаси бағрида вужудга келган, академик В.Е.хаиннинг ибораси билан айтганда, қайта тикланган тоғлар қаторига киради. Аниқроғи у неоген-тўртламчи даврда 1300 метргача мутлоқ баландликларгача кўтарилган, пировард натижада эса емирилган, арид денудацион рельефга эга бўлган тизмадир (Юрьев, Умаров, 1971). Тизманинг марказий қояли қисми девон, тошкўмир даврларида қумтош, қора сланец, оҳактошлардан таркиб топган, айрим жойларда интрузив жинсларнинг ер бетига кириб келганлиги кузатилади.

Марказий сув айирғичдан пастда юқори плиоцен даврига тегишли иккита текисланган юза шаклланган. Биринчиси, сайёд юзаси бўлиб, сув айирғич этагида, 600 метр баландликдаги юзаларни эгаллайди. Булар шағал,

лессли жинслардан иборат. Ундан пастда 450-500 метр баландликларда Ташақир юзаси бўлиб, у асосан шағалли жинслардан таркиб топган.

Тўртламчи давр Қулжуктов янада емирилади, парчаланади, шимол, айниқса жанубий ёнбағирлари вақтинчалик тўлиб оқадиган сойлар туфайли парчаланади ва ўзига хос кичик водийлар, ёйилмалар ҳосил қилган. Тизманинг шимолий ва жанубий ёнбағирларида ҳар 2-3 км масофада релъефда яхши ифодаланган сой водийлари мавжуд. Бу турли рангдаги гилли, гипсли, шағалли, проллювиал жинслар билан қопланган бўлиб, аксарият майдонда сур тусли қўнғир тупроқлар кенг тарқалган. Сойлардан бири тизманинг жанубий ёнбағри марказида, Ўзбекистон Фанлар Академияси Ботаника Институтининг “Қизилқум чўл станцияси” яқинида жойлашган Чуруқсойдир. Чуруқ қозоқ тилида “тешик” маъносига эга. Бунинг боиси сойнинг кенгайган ўзан этакларида ер ости чучук сувларининг ер бетига чиқиб туришидир. Сойнинг чап соҳилида қозоқ миллатига мансуб чорвадор аҳоли манзилгоҳи – Чуруқ овули жойлашган. Бу ерда сой водийсининг кенглиги 600-1200 м атрофида бўлиб, чап соҳили кия текис кенг бўлса, ўнг соҳили эса қисқа ва тик ёнбағирга эга.

Чуруқсой яйловлари, бошқа сойлар сингари қадимий даврлардан буён чорвачилик мақсадларида фойдаланиб келинган. Маҳаллий қозоқларнинг айтишича 1723 йилда қозоқлар элида қаттиқ очарчилик рўй беради ва қозоқ миллати вакиллари турли томонга, шу жумладан Қулжуктов этакларида чучук сувли ерларда қўним топади. Чуруқсойда 1951 йилда битта чорвадор хўжалик яшаган. Кейинчалик уларнинг сони кўпайган. 1951 йилда чорвадорлар билан кўчиб юрадиган мактаб ташкил қилинган. 1962 йилда дастлабки ва 1976 йилда эса ҳозирги умумтаълим янги мактаб биноси ишга туширилган ва тегишли инфратузилмалар ташкил қилинган. 2007 йилда сойда 42 та хўжалик бўлиб, 288 та киши яшаган. Кейинги йилларда айрим хўжаликларнинг Қозоғистон Республикасига кўчиб кетаётганлиги кузатилмоқда. Ҳозирги кунда Чуруқсой аҳолиси Шофиркон

туманининг “Ғалаба” чорвачилик хўжалигига тегишлидир. Аҳоли 13 та қора уй ва бир қаватли чўпқори уйларда яшайди.

Ҳар бир хўжалик ўзига яраша туя, қўй-эчкидан иборат чорва туёғига эга. Чорва сонининг айна жойда меъеридан кўплиги ва ўтин ёқилғига бўлган эҳтиёжнинг доимо мавжудлиги туфайли, шувок, сингрэн, партак, қаррак, буюрғун ва эфимерлардан иборат бўлган сой яйловзорлари яланглашиб, қамбағаллашиб қолган.

2.3. Чуруқсой иқлимининг асосий хусусиятлари.

Агар Ўрта Осиё ўлкасини Евросиё материгини ички қисмида жойлашганлигини кўз олдимишга келтирсак Бухоро вилояти ҳудуди эса Ўрта Осиё чўлларининг салкам ўртасидан ўрин олган бўлиб, жанубий (субтропик) чўлларга хос иқлимий хусусиятларга эгадир. Хулоса қилиб айтганда вилоят ҳудуди учун субтропик белгиларга хос бўлган кескин континентал чўл иқлими характерлидир. Кеча билан кундуз, қиш билан ёз ҳароратлари ўртасидаги кескинлик, нисбатан сернам, инжиқли баҳор, узок (VI-XI ойлар), қуруқ, жазирама иссиқ, ўта ёруғ ёз, қисқа (X-XI ойлар) ва турғунсиз куз; илиқ, баъзида эса аёзли муқим бўлмаган қиш, иқлимнинг асосий белгиларидир. Вилоят серқуёш ўлкалардан бири ҳисобланади. Йил давомида қуёшли дамлар 2800-3000 соатга етади (Тошкентда 2852, Термизда 3053 соат). Қуёшдан келадиган радиациянинг ялпи миқдори 150-160 ккалга тенг. Фойдали ҳароратнинг яъни ўртача кунлик мусбат 10 даражадан ортиқ бўлган ҳароратнинг йиллик йиғиндиси 4800-5100 даражагача боради. Бу ҳол ўта иссиқсевар маданий ўсимликлар етиштириш имскониятини яратади. Вилоятимизда энг совуқ муддат январь, энг иссиқ эса июль ойлардир. Ўртача йиллик ҳарорат Бухорода 14,2, Қорақўлда 15,0 даражага тенг. Аммо ҳаво ҳароратининг йил давомида ўзгаришидаги фарқ (амплитуда) жуда катта: 68-72 даражани ташкил қилади. бу ҳол органик дунё учун сезиларли экологик қийинчиликлар туғдиради. Вилоят ҳудудида табиий намлик етарли эмас. Атмосфера ёғинларининг йиллик миқдори 90-150 мм.ни ташкил қилади. Ер бетидан мумкин бўлган парланиш эса 2000

мм гача етади. Бу жиҳатдан Бухоро худуди ўта қурғоқчил (арид) зонага мансубдир. Ёғинлар аксарият ёмғир тарзида намоён бўлади. Қор қоплами сурункали ва қалин бўлмай узоқ сақланмаёди. Ёғинларнинг йил давомида тақсимланиши ниҳоятда нотекисдир. Баҳор нисбатан сернам, фаол бўлиб, йиллик ёғиннинг 43-55 фоизи шу муддатга тўғри келади, ёз ўта қуруқ.

Хавонинг нисбий намлиги жуда пасаяди, июл-август ойларининг баъзи кунларида бу кўрсаткич 10-20 фоизгача камаяди, офатлар (гармсел)га сабаб бўлади, экинлар ҳосилига салбий таъсир кўрсатади. Вилоят худудида кеча-кундуз ўртасидаги ҳароратнинг кескин бўлиши туфайли, баҳорда, куз фаслларида шудринг, қиров, намреза, булдуруқ каби табиий ҳодисалар содир бўлиб туради. Ўлкамиз иқлимида маҳаллий шамолларнинг ўрни жуда катта. Маълумки, Ер шарининг ҳамма жойларида шамолларни кузатиш мумкин лекин уларнинг таъсири айнан чўл зонасида кучли намоён бўлади. Бу ердаги иссиқ ва қурғоқчил иқлим ва ярим яланғоч қақраган тупроқ юзаси шамолларни яратувчилик кучига қулай имкониятдир. Турли рельеф ажойиботлари, сараланган қумлар билан қопланган катта-катта майдонлар шамолларнинг қудратидандир. Вилоят худудида шамоллар аксарият шимол томондан эсади.

Қулжуқтов тизмасида ҳосил бўладиган атмосфера ёғинларининг кўлами ва ҳудудий хусусиятларини аниқлаш мақсадида Бухоро вилоятида жойлашган Бухоро, Жинғилди ва Оёқоғитма метеостанциялари маълумотлари (1948-2004 йиллар) таҳлил қилинди ва атмосфера ёғинларининг даврий, миқдорий ва ҳудудий тақсимланиши аниқланди.

Маълумотларга кўра ёғинларнинг 50-44 фоизи баҳор, 38-40 фоизи қиш, 10-13 фоизи куз ойларига тўғри келади. Ёз фасли эса қуруқ ва жазирама иссиқ, атмосфера ёғинлари йўқ ҳисобида (2-3 фоиз). Атмосфера ёғинларининг миқдори йиллар бўйича кескин фарқ қилади (И.К.Назаров, И.Ш. Аллаёров, 1994, 67 б.).

Бухоро метеостанцияси маълумотларига кўра 1953 йилда 238,2 , 1969 йилда 229,9, 1988 йилда 244,5 мм ёғинлар ҳосил бўлган бўлса, 1966, 1989, 1996 йилларда эса, тегишли равишда 81,9; 77,5; 59,9 мм ёғин ёғган холос (жадвалга қаранг).

Атмосфера ёғинлари миқдорининг йиллар бўйича даврий миқдорий ва ҳудудий тақсимланиши (1948-2004 йиллар).

№	Метеостанция номи	Энг кўп ёғинлар миқдори, мм.	Энг кам ёғинлар миқдори, мм.	Ўртача кўп йиллик, мм.
1	Бухоро	<u>238,2</u> 1953 <u>229,9</u> 1969 <u>244,5</u> 1988	<u>81,9</u> 1966 <u>77,5</u> 1989 <u>59,9</u> 1996	<u>141,9</u> 1951-2004
2.	Жинғилди	<u>169,6</u> 1991 <u>303,9</u> 1995 <u>309,6</u> 2003	<u>47,8</u> 1960 <u>61,6</u> 1975 <u>43,1</u> 1996	<u>109,4</u> 1952-2004
3.	Оёқоғитма	<u>204,3</u> 1949 <u>229,8</u> 1964 <u>214,2</u> 2003	<u>66,4</u> 1963 <u>52,7</u> 1995 <u>69,9</u> 1996	<u>133,1</u> 1948-2004

Изоҳ: Суратида ёғинлар миқдори, маҳражида эса қўзғатилган йил.

Худди шундай фарқланиш йилларнинг ойлари бўйича ҳам қўзғатилади. Буни апрель ойи мисолида (Бухоро метеостанцияси) аниқ кўриш мумкин. Агар 1964, 1974, 1997 йилларнинг апрель ойларида тегишли равишда 109,1; 46,6; 42,2 мм ёғинлар қўзғатилган бўлса, 1975, 1982 йилларнинг апрел ойларида бир томчи ҳам ёғин ёғмаган. Демак, ойлар ўртасидаги ёғин фарқлари 100 мартадан ҳам ортади.

Атмосфера ёғинларининг ҳудудий тақсимланишида ҳам сезиларли фарқланишлар мавжуд. Қўлжўқтовнинг ғарбий чеккасида жойлашган Жинғилди метеостанцияси атрофларида ўртача кўп йиллик ёғин миқдори 109,4 мм бўлса, унинг шарқий қисмида жойлашган Оёқоғитма метеостанцияси атрофида бу кўрсаткич бирмунча юқори, яъни 133,1 мм га тенг. Бундан ташқари тизманинг шимолий ва жанубий ёнбағирлари ўртасида ҳам фарқланишлар бор. Ниҳоят, тоғ этагидан унинг юқори қисмига борган сари ҳар 100 метрда ёғинлар миқдорининг 10 мм га ортиб бориши қўзғатилади. Аниқроғи энг кўп ёғин тизманинг қояли, ўсимликлар қоплами чекланган сувайирғич қисмида рўй беради. Ана шу баланд қисмидаги ёғинлар ҳисобидан тизманинг сон саноксиз сойлари қиш ва баҳор ойларида

вақти-вақти билан тўлиб оқади. Бу оқимлар тоғ этагида баъзан сув тошқинларига сабаб бўлади ва катта иқтисодий-ижтимоий, маънавий салбий оқибатларга олиб келади.

2.4. Органик дунёси, табиий ресурслари ва улардан фойдаланишнинг ҳозирги ахволи.

Чуруқ кишлоғи рельефига кўра тоғ этагида бўлсада, аммо табиий шароитига кўра чўл бағрида жойлашган ушбу кишлоқ ва унинг атрофларида асосан асосан чўл иқлими ва тупроғига хос органик дунёнинг тарқалганини кўриш мумкин.

Ўсимликлардан тошлок чўл учун хос бўлган кизилча, сассиқ каврак, шувоқ, чўғон, исисриқ, астрагал; кишлоқнинг шимолидан оқиб ўтувчи сой атрофларида эса янтоқ, солироз, сарсазан, қорабаркен ва шўраларнинг қатор вакиллари; кишлоқнинг жанубий қисмларида эса қандим (жузғун), черкез, патлоқ, чойчўп, селин, илоқ, қумтарин, ялтирбош каби ўсимликлар турлари вакиллари кўриш мумкин.

Кишлоқ ва унинг атрофида асосан судралиб юрувчилардан калтакесак, илонларнинг бир неча турлари, тошбақа, қушлардан бургут, чўл чумчуғи ва бир қанча ўтроқ қушларни учратиш мумкин.

Вилоят табиати ва табиий бойликларидан инсонларнинг фойдаланиб келаётганлиги узоқ тарихга эга. Юқорида қайд қилинганидек ибтидоий “бухороликлар” бундан олти-етти минг йил муқаддам Зарафшон дарёсининг энг қуйи этакларида (Мохандарё, Гужайли, Дарёсой бўйларида) ўрнашиб овчилик ва балиқчилик билан машғул бўлганлар. Табиий шароитга тобе ҳолда яшашдан уларнинг хўжалик ишлаб чиқариш юмушига ўтиши бундан 3-3,5 минг йил муқаддам бошланади.

Бухоро-Қорақўл воҳаларидан 160-200 км узоқликда чўл бағрида ястаниб ётган бу маскандан минг йиллардан буён яйлов чорвачилиги, овчилик мақсадларида фойдаланиб келинади. Тоғ этагида барпо қилинган чўл қудуқлари эса “Буюк ипак йўли” карвонлари учун хизмат қилган.

Кейинги йилларда Қулжуқтовнинг “геологик минимаркет” эканлиги, яъни унинг бағрида 20 дан ортиқ минерал бойликлар борлиги аниқланди. Ҳозирги кунда охра (яшил сарғишли рангдаги гил-минерал бўёқ), гранит, метаморфозлашган гилли сланец, кумушли-кремнийли минерал сув каби бойликлари кенг кўламда фойдаланиб келинмоқда.

Тарихий даврлар давомида тизма этагида 30 дан ортиқ чўл кудуқлари, Қалаота, Жонгелди, Чўнтибой, Чурук, Оёқоғитма каби аксарият козоқ миллатидан иборат чорвадорлар манзилгоҳлари (овулар) бунёд этилган ва тегишли инфратузилмалар яратилган.

2.5. Чурук қишлоғи: аҳолиси, турмуш тарзи.

2010 йил 7 май куни эрталаб соат 6³⁰ ларда география фанлар номзоди, профессор И.Қ.назаров ва илмий раҳбарим Г.С.Ҳалимова билан биргаликда илмий экспедицияга чиқдик. Соат 11 ларда Чурук қишлоғига етиб келдик. Йўл бўйи гербарий тўплаб расмларга олиб бордик. Чурук қишлоғига кираверишда табиий дарвозани эслатувчи йўлнинг икки томонида супасимон тепа бор. Бу тепаларнинг остки қисмида гил, устида эса тош (метаморфик жинс)лар ётибди. Чурук эса ундан 60-80 метр пастда Чуруксойнинг чап соҳилида жойлашган. Қишлоқдаги табиий ижтимоий-иқтисодий шароит билан танишиш учун Чурук қишлоғига бориб у ердаги маҳаллий халқ билан суҳбатда бўлдик. Айниқса Чурук қишлоғидаги 39-ўрта умумтаълим мактаби тарих ўқитувчиси Малкайдар Нурматов билан суҳбатда анча янги маълумотларга эга бўлдим. У кишининг айтишича Қулжуқтов этаклари, жумладан Чурук қишлоғининг ўрни ҳам бир вақтлар Чорикулбойнинг яйлови бўлган. Бу овулнинг қачон пайдо бўлгани маълум эмас дейдилар. Бу қишлоқнинг номи “чурук” – булоғи кўп жой, “тешик” деган маънони англатади. Ҳозир қишлоқда 8 та кудуқ бўлиб, ўртача чуқурлиги 4 метр атрофида, суви ширин, ўзи ер остидан сизиб чиқади. Энг каттаси “Қоракудук” бўлиб, 11 тонна сув олади.

Қишлоқда 40 та хўжалик бўлиб, унда 260 га яқин аҳоли яшайди. Биринчи хўжалик 1953 йилда кўчиб келган бўлиб, ўша пайтда 2 та

хўжалик бўлган. Аҳолига хизмат кўрсатувчи битта тиббиёт пункти бўлиб, унда учта ҳамшира ва бир нафар фаррош фаолият кўрсатмоқда. Қишлоқдаги 39-ўрта умумтаълим мактабида 34 нафар ўқувчига 14 нафар ўқитувчи дарс бериб, уларнинг 5 нафари олий маълумотли ўқитувчилар холос. Мактаб 1956 йилда қурилган. Аҳоли бозор учун район марказига (70 км) боради. Аҳолининг 90 фоизи чорвачилик билан шуғулланади, бундан ташқари ўқитувчи ва бошқа касб эгалари ҳам бор. Ҳар бир хўжаликда 15-20 бош қўй, эчки, сигир бор. Ҳозирги кунда Чурук қишлоғи Шофиркон туманининг “Ғалаба” чорвачилик хўжалигига тегишлидир. Қишлоқда деҳқончилик қилишнинг имконияти йўқ, чунки сув етарли эмаслиги учун бунинг иложи йўқ. Аҳоли 13 та қора уй ва бир қаватли чўпқори уйларда яшайди.

Чурук қишлоғининг урф-одатлари: қизлар 17-18 ёшга етгач уларни олиб қочадилар ва куёв томонидан катталар келиб келиннинг ота-онасининг розилигини оладилар ҳамда банд қилиб қўядилар. Куёв келинни олиб қочгандан кейин келин ўнг оёғи билан уйга кириб, унинг олдида олов олиб чиқиб катталар исириқ тутатиб оловга мой соладилар. Сабаби: келин уйга келгандан кейин шу уйга илиқлик олиб келиб, уларга мойдек ёқсин деган мақсадда қилинади. Эртасига келинни бет очар маросими бўлади. Унда келиннинг қайнота ва қайнонасига келин салом қилинади. Шароитига қараб яна бир кун катта тўй қилинади. Тўйда куёв келиннинг ота-онасига қалин пули - 2 млн. сўмдан ташқари 4 та қора мол ҳам беради.

Куёв келиннинг уйига саломга борганда хуржунга 9 та пальто, 9 та куйлак, 9 та рўмол, 9 та тўрт метрли мато олиб борилади. Бу “тўртта тўққиз” дейилади. Келиннинг язнаси ёки акалари куёвдан 100 минг сўм солиқ олади.

Ҳар бир халқнинг ўзига хос яшаш тарзи, менталитети, урф-одатлари, характери бўлади. Мен ўрганган қозоқ халқи бир оз тўпори, бир сўзли, меҳмондўст, болажон халқ эканлигининг гувоҳи бўлдим. Улардаги

самимийлик, ҳамма вақт қийин кунларида бир-бирини қўллаб-қувваилаш, ватанига бўлган ўзгача меҳр одамни улар ҳақида фақат ижобий фикрлар билдиришга ундайди.

Хулоса ва тавсиялар

Республика аҳолисининг қарийб 70 фоизи қишлоқ жойларида истиқомат қилсада қишлоқ жойлари нисбатан кам ўрганилган ҳудудлардан бири ҳисобланади. Аммо 2009 йилни президентимиз томонидан “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб эълон қилиниши муносабати билан мамлакатимиз қишлоқларига эътибор кучайди, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари кенг олиб борилиб маҳалла ва қишлоқларга фойда кирди. Ана ўшундай хайрли ишларнинг давоми ўлароқ ҳозирги пайтда ҳам туманларда давлат лойиҳаси асосида жуда кўплаб қишлоқлар бунёд этилмоқда. Бу қишлоқларда йўллар, кўчалар ҳамда уйларнинг ташқи кўриниши ва дизайни одамни завқлантиради. Келгусида нафақат вилоятда ва республикада шундай кўркем қишлоқларнинг кўпайиб бориши аҳоли турмуш даражасининг яхшиланаётганлигидан далолат беради.

Бухоро вилояти Шофиркон туманининг шимолий чеккасида жойлашган Қулжуктов тизмаси этагидаги Чуруқ қишлоғи ҳам келгусида самарали ташкил қилиниши лозим бўлган қишлоқлардан биридир. Қишлоқ тоғ этагида жойлашган бўлсада чўл зонасига хос хусусиятларга эга бўлиб, нафақат табиий шароити балки ижтимоий-иқтисодий инфратузилмалари ҳам талаб даражасида эмас.

Қишлоқда 40 та хўжалик (260 та аҳоли) мавжуд бўлиб, аҳолисининг асосий қисми чорвачилик билан шуғулланади. Деҳқончилик қилиш учун биринчидан, тупроқда чиринди миқдори кам бўлса, иккинчидан, усв етарли эмас. Қишлоқда аҳоли ер ости сувларидан истеъмол қилиб, бунинг ижобий томони сув турли минерал моддаларга бой бўлса, салбий томони қудуқ сувлари ҳеч қандай лаборатория шароитида тозаланмаган, аҳоли уни тўғридан-тўғри истеъмол қилади. қишлоқ ёшларини ишсизлик анча ташвишга солади. Бундан ташқари қишлоқдаги даволаш масканининг авария ҳолатида бўлиши билан бирга битта ҳам олий маълумотли шифокор йўқ. Хуллас қишлоқда ижтимоий-иқтисодий ва

экологик муаммолар бисёр. Шунга қарамасдан маҳаллий аҳоли билан суҳбатлашганда уларнинг ўз қишлоғига меҳр-муҳаббатини сезиш қийин эмас. Ҳаттоки мактабнинг 2-3 синф ўқувчилари билан суҳбатлашганда уларнинг ўз қишлоғидан мамнун эканлиги ва уни ўзлари ўзига жаннат деб билишларини гувоҳи бўлдим. Ҳақиқатдан ҳам қишлоқда катор ижтимоий-иқтисодий муаммолар бўлсада, қишлоқнинг табиати, гўзаллиги ўзига хос таровати одамни ўзига жалб этмасдан қўймайди. Чуруқ қишлоғини ўрганиб қишлоқ аҳолиси учун қулай экологик, иқтисодий-ижтимоий муҳит яратиш ва атрофлардаги ландшафтларни бойитиш мақсадида келгусида қўйидаги чораларни амалга ошириш мақсадга мувофиқлигини таъкидламоқчиман.

1. Чуруқ аули аҳолиси турар жойларининг марказидан ўтказилган асфальт йўлнинг шарқий этаги бўйлаб қора саксовулдан иборат яшил йўлак барпо қилиш мақсадга мувофиқ. Бу ўзига хос микроиқлимий шароитни яратиш имкониятини беради ва аулни экологик эстетик имкониятларини яхшилашга хизмат қилади;

2. Аулни шарқий ва ғарбий томондан ўраб турган эрозион қирларнинг аулга рўпара ёнбағирларини рельеф нишаблигига нисбатан кўндаланг “жўяк йўлақлар” усули билан фитомелиорация қилиш маъқул;

3. Чуруқсойга Авлиёсойнинг қўшиладиган жойидаги пастқамликда эса қишки ва баҳор ойларида ҳосил бўладиган ёмғир сувларини тўплаш учун кичик сув омбори ташкил қилиш мақсадга мувофиқ. Бу баҳорги сув тошқинларидан келадиган зарарларни камайтиради ва аҳоли, йўловчи ва “эркин дам олувчиларни” дам олиш шароитларини яхшилайтиди;

4. Маҳаллий аҳолини экологик маданиятини юксалтириш бўйича чора-тадбирларни кучайтириш мақсадга мувофиқ;

5. Қулжуктов тизмаси Бухоро вилояти аҳолиси учун жуда муҳим рекреацион имкониятларга эга. Улардан самарали фойдаланишнинг илмий асосларини яратиш ҳозирги ижтимоий талабларга мос бўлади;

6. Қўлжуктов ҳудудида жойлашган аҳоли манзилгоҳлари ва улар билан боғлиқ инфратузилмаларни самарали ташкил қилиш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш лозим;

7. Аҳоли турмуш шароитини яхшилаш борасида қатор тадбирларни амалга ошириб бориш лозим:

- ёшлар орасидаги ишсизликни камайтириш йўлларини излаб топиш лозим;

- аҳоли саломатлигини яхшилаш учун қишлоқни ҳеч бўлмаганда битта олий маълумотли шифокор билан таъминлаш лозим;


- ёшлар қизиқишини инобатга олиб қишлоқда кутубхона, замонавий спорт анжомлари билан жиҳозланган спорт сали ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Мен битирув малакавий ишимни ёзиш давомида Чуруқ қишлоғи ҳақида кенг тасаввурга эга бўлдим, қозоқ халқининг турмуш тарзи, урф-одатлари билан яқиндан танишдим. Келгусида илмий изланишларимни давом эттириб, Пешку туманидаги кам ўрганилган қишлоқларни ҳам тадқиқ қилмоқчиман.

Фурсатдан фойдаланиб менга 4 йил давомида таълим ва тарбия берган география кафедрасининг барча ўқитувчиларига миннатдорчилигимни билдираман. Келажакда улардан олган билимларимни амалда қўллаб ёшларга таълим-тарбия бериб уларнинг ишончларини оқлашга ваъда бераман.

И Л О В А Л А Р

Туркменистон Республикаси



[illegible]

Масштаб:



1-расм. Исирик.

Чуруқ қишлоғига кираверишда йўл ёқасида олинган расм. Бу атрофда асосий ўсимлик тури исирик бўлиб, бундан ташқари якка-якка шувоқ, янтоқ, бўритикан каби ўсимликларни учратиш мумкин. Яйловда исирикнинг ҳукмронлик қилиши яйловнинг ишдан чиқганлигини билдиради.



2-расм. Сета

Ушбу расм Чуруқ қишлоғи бошланишидаги табиий дарвозани эслатувчи тепалик ёнбағрида суратга олинган. Бу ерда проллювиал жинслар таркиб топган.



3-расм. Кўндаланг изли чипор илон.

Ушбу расм Чуруқ қишлоғининг шимолида жойлашган Чуруқсойнинг қуруқ ўзанида 7 май 2010 йилда суратга олинди. Бу ерда судралиб юривчиларнинг яна бир неча турларини учратиш мумкин.



4-расм. Чўл агамаси.

2010 йил 7 май куни Чуруқ қишлоғи ғарбида жойлашган эрозион тепаликда суратга олинган.



5-расм. Чуруқ қишлоғидаги уйлардан бири.

Қишлоқда ягона оқланган, усти шифер билан қопланган уй.
Суратдаги 17 ёшли Омонёрнинг орзулари чексиз.



6-расм. Чуруқ қишлоғидаги уйлардан бири.

Қишлоқда қора уйлардан ташқари бир каватли чўпқори уйлар қурилган. Бирор бир уйнинг атрофи ўраб олинмаган, тўрт томони очик.



7-расм. Чуруқ қишлоғидаги 39-ўрта умумтаълим мактаби ўқувчилари.

Мактабнинг 5-синф ўқувчилари дарс жараёнида суратга олинган. Улар мактабида замонавий компьютер ва спорт заллари қурилишини орзу қилишади.



8 – расм. 39-ўрта умумтаълим мактаб ошхонаси.

Баҳор фаслида сурункали ёғадиган ёмғирлар бинолар деворларини нураб кетшишига сабаб бўлган.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т: Ўзбекистон, 1995. -267 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.– Т.: Ўзбекистон, 1997.– 226 б.
3. Асанов Г. Аҳоли географияси. – Т.: Ўқитувчи, 2003.
4. Исаченко А.Г. Ландшафтоведение и физикогеографическое районирование.– М.: «Высшая школа», 1991. – 360 с.
5. Мусаев Ж. Социально–экономические факторы развития сельской местности. Автореферат. – Т.: 1998.
6. Муҳаммаджонов А. Қадимги Бухоро. – Т.: «Фан», 1991. -53 б.
7. Мухторов С., Бобомуродов К. Шофиркон тарихи–Т: «Ёзувчи», 1998. – 221 б.
8. Назаров И.К, Аллаёров И.Ш. Бухоро географияси. 1-қисм. Бухоро, 1994. 67 б.
9. Назаров И.К. ва бошқ.. Маданий ландшафтлар яратишнинг тамойиллари хусусида. Тўплам. Тоғ ва тоғ олди ҳудудларидан фойдаланишнинг географик асослари. – Т., 2002.
10. Назаров И.Қ. Ландшафтшунослик асослари. Маърузалар матни. Бухоро, 2004. - 64 б.
11. Назаров И.Қ., Тошев Х.Р. Бухоро вилоятида атмосфера ёғинларининг ҳудудий тақсимланиши ва улардан самарали фойдаланиш хусусида. “Инновация-2005” Илмий мақолалар тўплами. Тошкент, 2005, Б. 265-266.
12. Назаров М. Социальная география сельской местности.–Т., 2000. – 36 с.
13. Наршахий. Бухоро тарихи. Мерос. – Т : «Камалак», 1991. – 385 б.

14.Солиев А. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш географияси. Тошкент. ЎзМУ, 2000.- 68 б.

15.Солиев А. Қишлоқ жойлар демографияси. – Т., 2005. – 140 б.

16.Солиев А., Қаршибоева Л. Иқтисодий географиянинг назарий ва амалий масалалари. – Т., 1999. – 184 б.

17.Солиев А., Назаров М. Ўзбекистон қишлоқлари (қишлоқ жойлар географияси). Т: “Фан ва технология”, 2009. – 212 б.

18.Тошев Х.Р. Бухоро вилоятининг маҳаллий сув ресурслари ва улардан фойдаланиш муаммолари. География фанининг назарий-амалий муаммолари. Бухоро, 2006. Б. 135-139.

19.Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш» меъёрлари. – Т., 2003.

20.Қаландарова Д.Д., Ҳалимова Г.С., Назаров И.Қ. Қулжуктов тизмаси ландшафтлари табиий ресурсларидан самарали фойдаланишнинг географик жиҳатлари. Тўплам. География: тарих, назария, методлар, амалиёт. Тошкент, 2010. Б. 34-35.

Бухоро давлат университети
Гидромелиорация факультети география
бўлими битирувчиси Қаландарова Гулирухсоранинг
“Чуруксойнинг умумгеографик тавсифи (Қулжуктов тизмаси)”
мавзусидаги
битурув малакавий ишига

ТАҚРИЗ-ТАВСИЯНОМА

Қишлоқ ёки қишлоқлар кишиларнинг ҳудудий - ижтимоий ва тарихий шакл топган белгисидир.

Уларнинг вужудга келиши жамият тараққиёти ва ҳудудий меҳнат тавсимоотидаги ўзгаришлар билан боғлиқ. Айниқса деҳқончилик жумладан суғорма деҳқончилиқни чорвачилиқдан ажралиб чиқиши аҳолининг ўтроқлашувига, улар яшайдиган жойларнинг турғунлигига сабаб бўлган.

Қишлоқларнинг шаҳарларга нисбатан тарихи анча узоқ ва уларнинг ривожланиши энг аввало, ердан, табиий-иқлимий шароитлардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган.

Кейинги пайтларда мамлакатимиз раҳбарияти томонидан қишлоқ жойларига эътибор ортиб бормоқда.

Битирувчи томонидан танланган мавзу давлатнинг иқтисодий-ижтимоий ислохотлари билан ҳамоҳангдир.

Битирув малакавий иши, бет ҳажмда қўл ёзма шаклда ёзилган. Иш кириш, 2 боб, 8 банд хулоса ва тавсиялар, иловалар ҳамда адабиётлар рўйхатидан иборат. Кириш қисмида ишнинг мазмун - моҳияти, мақсад ва вазифалари ҳамда амалий аҳамияти кўрсатиб ўтилган.

I боб Чўл зонасида қишлоқ ландшафтларининг шаклланиш тарихи ва уларнинг вазифаларига бағишланган.

II бобда Чуруксойнинг умумий географик тавсифи берилган бўлиб, талаба ўз кўзи билан кўрганларини, содда равон тилда баён қилган.

Ишда Чуруқсой табиати ва аҳолиси турмуш тарзини акс эттирувчи расмлар, Бухоро вилояти табиий картаси, Қулжуктов тизмаси табиий картаси ва 20 та ўсимлик гербарийси ҳамда 18 номдаги адабиётлар рўйхати илова қилинган.

Умуман иш илмий хулосаланган 7 банддан иборат тавсиялар берилган.

Битирув малакавий иш давлат атестация комиссияси талабларига жавоб беради ва ҳимоя қилишга тавсия этилади.

Илмий раҳбар:

ўқитувчи Г.С.Ҳалимова

Бухоро давлат университети
Гидромелиорация факультети география
бўлими битирувчиси Қаландарова Гулирухсоранинг
“Чуруқсойнинг умумгеографик тавсифи (Қулжуктов тизмаси)”
мавзусидаги битирув малакавий ишига
ТАҚРИЗ

Ўзбекистоннинг 64 фоиз аҳолиси қишлоқ жойларида истиқомат қилади. Мамлакат иқтисодиётининг ривожига ҳам айнан қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ. Шунинг билан ахборот ҳолда давлат ҳукумати томонидан қишлоқ аҳоли манзилгоҳлари ва қишлоқ хўжалик тармоқларига бўлган эътибор кун сайин ортиб бормоқда. 2009 йилни президентимиз томонидан “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб эълон қилиниши ҳам мавзунинг нақадар долзарблигини билдиради.

Битирувчи давлат сиёсати мазмунини ахборот ҳолда мавзунинг тўғри танлагани. Ишнинг бажаришда Чуруқ қишлоғига ўзи бевосита ташриф буюриб у ердаги табиий, иштинимий муҳит билан яқиндан танишган ва олинган маълумотларни таҳлил қилишда ижодий ёндошган.

Битирув малакавий иш 97 бет ҳажмда қўлёзма тарзида ёзилган мавзунинг долзарблиги, амалий аҳамияти кириш қисмида асослаб берилган.(3-9 бетлар).

I Боб Чўл зонасида қишлоқ ландшафтларининг шаклланиш тарихи ва уларнинг вазифаларига бағишланган бўлиб (10-52 бетлар), унда чўл зонасидаги қишлоқларнинг пайдо бўлиш тарихи ва омиллари, уларни ўрганилганлик даражаси, қишлоқ ландшафтларининг иштинимий бурчлари каби маълумотлар ўрин олган.

II Боб Чуруқсойнинг умумгеографик тавсифи деб номланган ва банд асосида қишлоқга тавсиф берилган (53-89 бет).

Бобда Чуруқсой табиати ва ижтимоий муҳитини акс эттирувчи фото-расмлар, Бухоро табиий картаси Қулжуктов табиий картаси илова қилинган.

Иш илмий хулосаланган ва қатор ўринли тавсиялар берилган. Иш охирида 18 номдаги адабиётлар рўйхати ва 20 турдаги ўсимликлар гербарийси илова қилинган.

Умуман битирувчи Қаландарова Гулрухсора томонидан бажарилган битирув малакавий иш давлат аттестация комиссия талабларига жавоб беради ва аъло баҳога лойиқ.

Такризчи:

География кафедраси г.ф.н. проф.

И.Қ.Назаров